

Турдиева М.Ж.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРИ



Услубий қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Турдиева М.Ж.

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ
ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРИ**

Услубий қўлланма

БУХОРО-2021
“ДУРДОНА” НАШРИЁТИ

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ.....4
2. РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗЛАРИ – ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЙДОНИ СИФАТИДА.....9
3. МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИ – ИЖОДКОРЛИККА ЁЎНАЛТИРИШНИНГ ОЛТИН ДАВРИ.....12
4. ЁЎИИЛИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....20
5. БОЛАЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРУВЧИ ЁЎИИЧОҚЛАР.....23
6. ЁЎИИЧОҚ ТРАНСПОРТЛАР ЁРДАМИДА ФАЗОДА ЁЛЧАМ ОЛИШГА ЁРГАТИШ.....30
7. БОЛАНИНГ ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЁЎИИЛАР.....33
8. МУСИҚА ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....58
9. МУСИҚАЛИ ДИДАКТИК ЁЎИИЛАР.....64
10. ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ – ТАРБИЯЛАНУВЧИ ИЖОДКОРЛИГИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА.....68
11. ХУЛОСА.....76
12. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....81

Ижод билимдан кўра муҳимроқдир.

Ижод – бу имкониятлар эшиги.

А.Эйнштейн

КИРИШ

Бугунги кунда бизнинг жамиятимиз ақлли ва ижодкор мутахассисларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Ҳозирги шароитда ижодкорлик масаласи ҳал қилиниши керак бўлган энг муҳим масалалардан бири саналади. Чунки ижодкор, ўз ишига масъулиятли, вазиятга креатив ёндошадиган мутахассис сифатида илм-фан, таълим, маънавият-маърифат, техника, ишлаб чиқариш, қўйингки барча соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўша олади. Шундай экан ижодкорлик қобилиятларини мактабгача таълим ташкилотлариданоқ бошлаш долзарб ва муҳимдир.

Таълимнинг бошланғич, шу билан бир пайтда энг муҳим бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда давлат ва ҳукуматнинг марказий эътиборида бўлиб келаётгани бежиз эмас. Боиси, Ўзбекистонда мактабгача таълимнинг жадал ривожланиш тарихи 2017 йилдан бошланди десак муболаға бўлмайди. Тизимни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилнинг 8 май куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларини замонавий ўқув-методик материаллар ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш борасидаги имкониятларни кенгайтди.

Бу каби кенг қамровли ислохотлар натижасида янгиланган ва моддий-техник жиҳатдан яхшиланган мактабгача таълим ташкилотларида ривожланишнинг кейинги босқичи – мактабгача таълимда сифат ва самарадорликни таъминлаш жараёнлари жадаллик билан бошланганини ва бу жараённинг масъулиятини барча соҳа ходимлари тўғри англаб, ҳис этиб турибди. Айнан мактабгача таълим ташкилотларида сифат ва самарадорликни таъминлашда яратилган замонавий ўқув дастурларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Ҳукумат қарори билан 22.12.2020 йилда 802-сонли “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти” тасдиқланди.

Қарорга кўра, давлат стандартининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

– Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари;

– Мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастури;

– Мактабгача таълим ташкилотларини ўйинлар тўплами, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник, реабилитация воситалари билан жиҳозлаш меъёрлари.

Шу билан бирга, боланинг ўзи ҳақидаги анланган тасавурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятининг бир қисми ҳисобланадиган “Мен” концепцияси давлат талабларининг асосий принципларидан этиб белгиланди.

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларида илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талаблари белгилаб берилди.

Давлат талабларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

➤ мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;

➤ миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усуллари жорий этиш;

➤ таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

➤ кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.

Давлат талаблари қуйидаги тамойиллар асосида татбиқ этилади:

- боланинг ноёблиги;
- «Мен» концепцияси ва шахсий таълимини яратишда боланинг фаол роли;
- боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг муҳимлиги;
- бола таълими ва ривожланишида катталарнинг асосий роли;
- болалар ривожланишида индивидуал фарқланишлар мавжудлиги сабабли, ҳар бир болага мослашувчан бўлиб, индивидуал вариативлик асосида ёндашиш.

Давлат талаблари ривожланиш соҳалари интеграциясини кўзда тутди ва бола ривожланишига кўмаклашади.

Давлат талаблари туғилгандан 7 ёшгача бўлган болаларнинг бешта асосий ривожланиш соҳаларига бўлинган. Ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган бўлиб, улар ҳар бир ёш гуруҳига мос бир нечта талаблардан (кутилаётган ривожланиш кўрсаткичларидан) иборат.

- «Ижодий ривожланиш» соҳа қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:
- дунёни бадиий тасаввур этиш;
- бадиий-ижодий қобилиятлар.

Айнан мана шу соҳани эрта ёшдан ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга “Илк қадам” Давлат дастурида ҳам алоҳида урғу берилган. Мазкур ўқув дастури йиллик, ойлик ва ҳафталик мавзулардан иборат бўлиб, улар айнан болаларни миллий қадриятларимиз ва маънавий мезонларимиз уйғунлигида тарбиялашга хизмат қилади.

Бизга маълумки “Илк қадам” давлат ўқув дастури Республиканинг мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш борасидаги Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ўйинли таълим фаолияти асосида иш жараёни ташкил этилади. Дастурнинг қулайлик томони шундан иборатки болага асосан ўйин орқали янги маълумотлар берилади, бу эса бола ҳаётида ўйин катта роль ўйнайди. “Илк қадам” давлат ўқув дастурида асосан таълим тарбияни ўйин орқали йўналтирилган. Бу эса муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир болани ривожлантирувчи марказларда фаолият давомида билимга интилишини ғоя ва маҳоратини ривожлантириб боради. Шунингдек, “Илк қадам” давлат ўқув дастури мутахассис педагоглар учун бир қатор афзалликларга эга ва қулай. Бунда тарбиячиларнинг салоҳияти, янги инновацион ғоялари, нутқ маданияти, шахсга бўлган тўғри муносабати ва

касбий маҳорати, болага бўлган меҳр мақсадга мувофиқ тарзда шакланган бўлиши керак. Ривожлантирувчи марказларда ўйинли таълим фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун мезон ва талаблардан фойдаланилади. Марказларни

гуруҳларда тўғри жойлаштириш ой мавзуси асосида эстетик дид билан болага етиб борадиган қилиб тўғри жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Болани шахс сифатида шакллантириб боришда давлат ўқув дастурининг ижтимоий-ҳиссий ривожланиш йўналиши бўйича “Мен концепцияси”га таянган ҳолда таълим-тарбия бериб борилади. Ўйинли таълимни МТТда тўғри шакллантириш учун педагог салоҳияти ва раҳбарлиги катта роль ўйнайди. Бунда тарбиячи қуйидаги талабларга риоя қилиши шарт.

1. Дидактик материаллар мазмуни ва ҳар бир болага уни етказиш маҳорати.
2. Режалаштириш жараёнини фаолиятга мос фаолият тури билан ташкил этиш.
3. Тарбиячилар ўз вақтида ёрдамга келиши, эслатиш ва топшириқ ғоясини аниқлаб бериш маҳорати.
4. Болаларнинг билимга интилишини рағбатлантириш орқали фаоллаштириш.
5. Фаолият жараёнида ҳар бир боланинг фаоллигини қўллаб қувватлаш.
6. Методик усулларни тўғри қўллаш.
7. Ўйинли усуллардан фойдаланиш.
8. Қўмаклашиш ва ёрдам беришни тўғри ташкил қилиш усулларидан фойдаланиш.
9. Нутқнинг раволиги ва грамматик тўғрилиги (аниқ ва тушунарли) бўлиши.
10. Ўзаро ҳамкорлик характерини болалар хулқида тарбиячининг қўйган талаб ва раҳбарлиги.

Кузатувлардан келиб чиққан ҳолда юқорида кўрсатилган мезон ва талабларни тарбиячи томондан босқичма-босқич тизимли бажариб бориш МТТда ўйинли таълим фаолиятини тўғри шакллантириш, натижада ижодий қобилиятлари шакланган болалар тарбияланишига асос бўлади, дея оламиз.

Биламизки, ҳар бир бола алоҳида олам, ҳар бирининг ўз қизиқишлари ва тасаввурлари бор. Баъзида ота-оналар ва тарбиячилар болалар тасаввурларига қизиқиш билдиради, тарбиялашади, рағбатлантиради ва уларнинг ижодий фикрлари ва ҳаракатларидан қувонадилар. Бошқа пайтларда (атайлаб ёки билмаган ҳолда) болаларнинг қизиқишларини бўғишлари мумкин. Уч ёшдан катта болаларнинг аксарияти, ижодий тасаввур қилиш ва ўйлаш имкониятларидан баҳраманд бўлишади. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларга ўз тасаввурларини ишлатишга рухсат бериш фойдалидир ва бола ривожланишида бунинг аҳамияти беқиёс.

Мазкур вариатив дастурнинг муваффақиятини таълим ва тарбия жараёнини фаол ўйинли технологиялар орқали ташкил этишни назарда тутгани билан белгилаш мумкин. Сабаби айтилишича фаолиятда тарбияланувчиларнинг коммуникатив, ўйин, ижтимоий, билиш, қобилиятлари фаол ривожланади.

Вариатив дастур ҳар бир ёш гуруҳи болаларининг ёш хусусиятлари ва психологик, жисмоний ва ақлий ривожланишини инобатга олган ҳолда замонавий таълимий жараёни ташкил этиш имконини беради.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг барча асосий компетенцияларини уйғун ҳолда ривожлантиришни назарда тутган вариатив дастурда болаларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга ҳам ўрин ажратилгани диққатга сазовордир. Сабаби мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларининг ривожланиш даражаси ҳар хил бўлиб, индивидуал ёндашиш боланинг қизиқишларини эрта аниқлаш ва уларни йўналтириш мақсадларини аниқлаштиради.

Шунингдек, “Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг инновацион методлари” вариатив дастурида таълимий соҳаларнинг интеграциялашган ҳолда олиб борилиши белгиланган. Бу эса тарбияланувчиларнинг интеллектуал, ижодий, ҳиссий, жисмоний ривожланиши комплекс равишда олиб борилишини таъминлайди.

Вариатив дастурнинг болаларни ривожлантиришни кўзлайдиган илғор хорижий тажрибаларни қўллаган ҳолда самарали таълим технологияларни жараёнга татбиқ этилишини белгилагани мазкур дастур доирасида иш олиб борадиган педагогик жамоанинг ўз ишига нисбатан масъулият билан ёндашишини талаб этади. Чунки, тажриба-синов даврида педагоглар томонидан интерактив ўйинларни яратиш ва уларни фаолиятларда қўллаш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Жанубий Корея мамлакати таълим тизими муваффақиятини таъминловчи омиллардан бири бўлган таълим жараёнида мусиқадан кенг фойдаланиш, мультимедиа материаллари, мантиқий фикрлашни ривожлантирадиган методик материалларга мунтазам мурожаат этиш ва натижада тарбияланувчилар учун таълимий жараёнда мослашувчан муҳит яратилиши вариатив дастурнинг ўзига хослигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши, айниқса ижодий қобилиятлари билан уйғун равишда барча ривожланиш соҳаси компетенциялари шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур “Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини асосида мослашувчан муҳитда ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг инновацион методлари” вариатив дастури мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини ўйин технологиялари кенг қамровли ривожлантиришни назарда

тутади. Айни натижа эса боланинг мактаб таълимига тўлақонли тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗЛАРИ – ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЙДОНИ СИФАТИДА

Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган ривожлантириш марказлари тарбиячиларга ёш болалар билан кенгайтирилган лойиҳалар орқали шуғулланиш имконини беради. Болалар ўзларининг ғоялари, ҳиссиётлари ва кузатувларини марказларда чекловларсиз намоён эта олишади.

Дастурнинг болалар учун афзаллиги

Болалар мустақил, эркин фикрга эга бўлиши, ижодий қобилиятларини намоён эта олиши.

Фаолият давомида юзага келган муаммолар ечимини ўзи топишга ҳаракат қилиши орқали унда ўзига нисбатан ишонч тарбияланиши.

Болаларнинг бири-бирига таълим бериши. Бир-бирига қараб ўрганиши.

Марказларда ишлаш жараёнида болалар орасидан янги лидерлар етишиб чиқиши.

Болалар гуруҳдаги барча марказлардаги жиҳозлар, ўйин, ўйинчоқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги.

Тарбиячиларнинг педагогик салоҳиятига таъсири

Тарбиячилар ўз устларида тинмай ишлайдилар янгиликлар яратишга интиладилар.

Илғор иш тажрибалар яратилади. Улар асосида янги методик тавсия, қўлланмалар яратилади.

Тарбиячилар томонидан мустақил фикрга эга бўлган, мулоқотга кириша оладиган, малака, кўникмаларга эга бўлган ҳолда болалар мактаб таълимига тайёрланади.

Тарбиячи барча ёш гуруҳларидаги болалар билан ишлаши ва уларнинг ривожланиш таҳлилини олиб бориши керак бўлади. Бу орқали унинг педагогик маҳорати ошади.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар

Гуруҳларда болалар учун яратилган шароит ва унда болаларнинг фаолиятининг яхшиланиши давоматнинг ошишига сабаб бўлади. Яъни ташкилотдаги ижобий ишлар ота-оналар орасида реклама бўлади.

Ота-оналарни таълим жараёнига жалб қилиш орқали уларда фарзандидаги иқтидорни кўришга, уни ривожлантиришга туртки бўлади.

Ота-оналар билан ҳамкорлик ишига янгича ёндашувлар яратилади, яъни келгуси ҳафта мавзуси ота-оналарга маълум қилиниши таълим жараёнида уларнинг иштирокини таъминлашига олиб келади.

1. “Тил ва нутқ” маркази.
2. “Қуриш-ясаш, конструкциялаш ва математика” маркази
3. “Санъат” маркази
4. “Сюжетли –ролли ўйинлар ва сахналаштириш” маркази
5. “Фан ва табиат” маркази

“Тил ва нутқ” маркази

Марказда болаларнинг дўстлари орасида ўз фикрларини баён эта олишлари, мавзу асосида ҳикоялар тузиш, савол-жавоблар қилиш, болаларча суҳбатлар ташкил этиш имконияти мавжуд. Боладаги кўпчилик орасида тортинчоқлик одатлари кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида йўқола бошлайди.

Қуриш-ясаш, конструкциялаш ва математика маркази

Марказ орқали болаларда сенсор тарбия, ижодкорлик ривожланади. Бола бир вазифани бажариш орқали ҳам қуриш ясаш, ҳам математика билан шуғулланиш имконига эга. Ўз ишларини таҳлил қилишни ўрганади.

“Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш” маркази

Марказда болалар иқтидорини намоён бўлишига, ўз маҳоратини кўрсатиши учун жуда қулай муҳит. Бу марказни боланинг “Мен”ини шакллантирувчи марказ деб ҳам аташ мумкин. Марказдаги барча жиҳозлар болалар ҳаётида учрайдиган жиҳозлар бўлиб, ўйин жараёнида бола улардан фойдаланишни ўрганади

Ҳар бир ёш гуруҳида болалар ёшига мос бўлган сюжетли-ролли ўйинлар, сахналаштирилган ўйинлар бўлиши керак.

Сюжетли-ролли ўйинлар:

«Гўзаллик салони»

«Шифохона»

«Ошхона»

«Кир ювиш хонаси»

«Супермаркет»

«Ателье»

«Банк»

«Почта»

«Ферма»

«Автотураргоҳ»

Миллий бурчак

Дидактик материаллар:

Стол театри (эртак қаҳрамонлари билан)

Сояли театр (эртак қаҳрамонлари билан)

Эртак қаҳрамонлари кийимлари

“Фан ва табиат” маркази

Тажриба синов майдончасида ўтказилаётган тажрибалар болаларда қизиқиш уйғотади ва янги ихтиролар қилишга ундайди.

Бу марказ болаларни табиат ва ундаги ҳодисаларни билиш учун энг катта имконият яратади. Бу марказни тўғри ишлатилса болалар табиат ҳақидаги 90 фоиз билимни шу марказда олиши мумкин. Марказ на фақат болаларда балки педагогларда ҳам қизиқиш уйғотади.

“Санъат” маркази

Санъат марказида болаларни кайфиятини кўтариш имкони мавжуд. Боланинг ижодий қобилиятлари қўллаб қувватланади. Болаларда санъатнинг барча турлари билан танишиш имконияти яратилади.

Бу марказда расм, аппликация, оригами, лой иши ва қуриш-ясаш фаолияти амалга оширилади.

“Муסיқа ва ритмика” маркази

Муסיқа ва ритмика маркази жуда қизиқарли марказ. Бунда болалар ўзлари хоҳлаган образларига кириши, хоҳласа кўшиқ айтиши, хоҳласа чолгу асбобларида куй чалиши мумкин. Бу марказни бурчак сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин уни марказ қилиб ишлатиш кўпроқ ижобий натижа беради.

Мактабгача таълим ташкилотларининг гуруҳларда ташкил этиладиган таълимий тарбиявий жараёнларни кузатиш, таҳлил қилиш орқали шундай хулосага келдикки, ҳар бир ривожлантириш марказида боланинг ижодий қобилиятлари ривожланади. Айти шу жараёнда тарбиячиларга амалий ёрдам ва қўшимча манбаа сифатида “Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг инновацион методлари” вариатив дастурини яратдик.

Мазкур вариатив дастурни тажриба-синов жараёнида қўллаш орқали тарбиячиларнинг ижодий изланиши ортгани, замонавий педагогик технологияларни таълимий жараёнга қўллаш малакалари янада ривожлангани, янгиликларни ўрганиш, доимий равишда маҳоратни ошириш истаги кундалик эҳтиёжга айлангани аниқланди. Шунингдек ота-оналар билан фаол ҳамкорлик ва уларни таълим жараёнига фаол жалб этиш кўникмалари амалиётчиларда шаклланди ҳамда гуруҳдаги ҳар бир бола билан индивидуал ишлаш орқали уларнинг ўзига хос

қизиқишлари, ижодкорлиги ва ихтирочилик қобилиятларини аниқлашга тизимли ёндашгани маълум бўлди.

МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИ – ИЖОДКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ОЛТИН ДАВРИ

Болаларга туғилганда мулоқот қилиш, ўрганиш ва ривожланиш учун жисмоний, ижтимоий, психологик имкониятлар ижтимоий муҳитда яратилади. Бу имкониятлар ўз вақтида аниқланиб, қўллаб-қувватланса, ривожланиб боради. Болалар билан мунтазам шуғулланиш мактабгача таълим ташкилотларида давом эттирилади ва қобилиятларнинг ривожланишига асос бўлади.

Тадқиқотчилар, мактабгача ёш даврини ижодкорликка йўналтиришнинг олтин даври деб ҳисоблашади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал мослашувчанлиги бевосита уларнинг ижодий қобилиятлари қай даражада шакланганлигига боғлиқ. Шунингдек, ижобий ва муваффақиятли натижаларни кўрсатишга бўлган интилиш ҳам болаларда ижодий фикрлаш натижасида таркиб топиши кузатув ва тажрибаларда ўз аксини топган. Мана шу муҳим жиҳатларни ҳисобга олиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларда ижодкорликни ривожлантириш бўйича мазкур вариатив дастур орқали МТТда қўлланиладиган таълим дастурларига қўшимча равишда болаларга ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир.

Ижодий фикрлашнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- ижобий фикрлаш
- фаол ўрганиш
- ўзини намоён қилиш
- танлов учун ҳуқуқларининг кенглиги

– вазиятларга креатив ёндашув ва муаммоларнинг янги ечимларини аниқлаш.

Ижодкор шахслар одатда тиришқоқ ва фаол, катта куч сарфламасдан, юқори натижаларга эришиш мотивларига эга бўлишади. Шунинг учун мактабгача ташкилотлариданоқ тарбияланувчиларни ижодкорликка йўналтирувчи таълим стратегияларни ишлаб чиқиш долзарб муаммодир.

Стратегия – муайян ҳолатдаги ҳаракат усулини англатади. Стратегия - бу маълум мақсад йўлида тузилган умумий дастур ёки операциялар тўплами. Биз илмий тадқиқотимиз доирасидаги мазкур вариатив дастуримизда тарбияланувчиларнинг ижодкорлигини инновацион усулларда ривожлантиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқдик.

Инновация (инглизча инновацион) – янгилик киритиш, янгиликдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда мусиқа раҳбари ва болалар фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. “Педагогик технология — бу тарбия» таълим-тарбия воситалари ёрдамида болаларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахсий сифатларни шакллантириш жараёнидир. 1970 йилларга келиб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланди. Масалан, академик В. П. Беспалько педагогик технологияни қуйидагича талқин қилади: «бу маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган шахсни шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир» деб таърифлайди. Мактабгача таълим жараёнида инновацион педагогик технология бу болаларни таълим материалларини ўрганиш орқали нутқини ривожлантириш, ўз фикрини эркин баён эта олиш, ўзаро мулоқот, теварак атроф билан

танишиш жараёнини янгича ташкил этишдир. Маълумки, мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришдан асосий мақсад уларни соғлом, баркамол шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборатдир. Мактабгача таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш ижобий натижаларни берди ва самараси кафолатланди. Жумладан, «Ихтироли муаммоларни ечиш назарияси», «М. Монтессори технологияси», «Лойиҳалар усули» мактабгача таълим жараёнига кириб келди ва улар амалиётда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Педагогик технологияларни классификациясини келтириб ўтамиз:

- Авторитар технологиялар
- Шахсга йўналтирилган технологиялар
- Инсонпарвар шахс технологиялари
- Ҳамкорлик технологиялари
- Эркин таълим технологиялари

Авторитар технологияларида педагог – таълим-тарбия жараёнининг яккаю-ягона субъектидир. Бунда технологиялар боланинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини инобатга олмаган холда талаб ва мажбурлаш орқали амалга оширилади.

Шахсга йўналтирилган технологиялар Таълим-тарбия тизими марказида бола шахси туриб, унинг ривожланиши ва табиий салоҳиятини татбиқ этиш учун қулай, бехатар ва низосиз шароитлар яратилиши кўзда тутилади.

Инсонпарвар шахс технологияларида эса болага ҳурмат ва муҳаббатни, унинг ижодий кучларига оптимистик ишончни тарғиб қилади, мажбурлашни ман этади.

Ҳамкорлик технологиялари демократизм, тенглик, бола ва педагог орасидаги ўзаро ҳамкорликни тарғиб қилади.

Эркин таълим технологиялари болага танлаш эркинлиги ва мустақиллик беришга эътибор қаратилади. Боланинг ички мотивидан келиб чиққан ҳолда, катталар таъсирисиз, ўзининг мустақил позициясини шаклланишига қаратилган.

Ўйин фаолиятининг бола ҳаётида тутган ўрни беқиёс ва у кичкинтойнинг ижодий қобилиятларини ривожлантирувчи бебеҳо восита сифатида тан олинади. Ўйин фаолияти бола ҳаётида, унинг жисмоний, руҳий, ақлий камолатга етишида муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Ўйин орқали болаларда тафаккур, тасаввур, хотира, диққат каби барча психик жараёнлар ривожланади ва атроф-муҳит ҳақидаги билими янада кенгайиб боради. Таълимий ўйинлар орқали болада мустақиллик, фаоллик, ижодкорлик масалага онгли ёндошиш малакаси шакллантириб, ўстириб борилади. Ўйин кўргазмалилик, оддийдан мураккабга ўтиш усуллари орқали олиб борилади. Тарбиячи таълимий ўйинларни ўтказиш давомида бола ҳаракатини фаоллаштиради, мустақил ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантиради, ўйиндан тўғри фойдаланилса боланинг тафаккури, нутқи, хотираси ривожланади, яъни, ақлий тарбиясига асос солинади. Таълимий ўйинлар орқали болалар эшитиш, кўриш, сезиш аъзолари орқали турли нарсалар ва уларни ясашда ишлатиладигин материалларнинг хоссаларини, уларни бир-бирига таққослашни, гуруҳларга ажратишни ўрганадилар. Ўйинлар боланинг ташаббуси билан юзага келадиган эркин ва мустақил фаолият бўлганлиги учун ҳам ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг энг самарали усулидир. Ўйин жараёнида бола шахси тўлиғича: унинг билиш жараёнлари, иродаси, ҳиссиёти, эмоциялари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари жалб қилинади. Натижада, бола шахсида ҳайратланарли ўзгаришлар рўй беради.

Мактабгача таълим ташкилотида ижодий муҳит яратиш, яъни гуруҳда болалар ўйинларини рағбатлантириш

ижодкор болалар тарбияланишига сабаб бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйинларда фаол иштирок этиши ва олдларига қўйилган дидактик муаммоларга эксклюзив ечимлар топиши ижодкорлик қобилиятлари куртак олишига замин бўлади. Таълимий ўйинлардаги ижодкорлик тасаввур, тушунча, муаммоларни ҳал қилиш, турлича фикрлаш, ҳиссиётларни бошдан кечириш ва танлов қилиш қобилиятини талаб қилади. Бу дегани, барча ўйинлар ижодкорликни ўз ичига олади. Таълимий ўйин шароитида болалар фаол иштирок этганлиги учун ҳам тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ижодий қобилияти яхши ривожланган тарбияланувчиларда креатив ёндашувлар кузатилади. Аксинча, пассив ва таълимий топшириқларни бажаришга қизиқиш билдирмайдиган тарбияланувчиларда ижодий қобилиятлар яширин бўлганлиги учун ҳам стандарт фикрлар, тенгдошлари фикрини такрорлаш аниқланди.

Ёш болаларнинг ижодкорлигини ривожлантиришда шахсий ўзига ҳослик, қизиқувчанлик ва мотивация энг биринчи ўринда туришини психолог олимлар исботлашган. Ундан кейин эса болалардаги тасаввурлар, қизиқишлар, таълимий топшириқлар турига кўра ёндашувлар(муסיқага қизиқиши бор бола муסיқа машғулотида фаол бўлса, тасвирий фаолиятга уқуви бор бола айна йўналишдаги таълимий фаолиятда бажонидил иштирок этади, ёки математик машғулортларда ҳечам зерикмайдиган бола ҳисоб-китоб бўйича қобилиятини намоён этади, эртак ёки шеърый асарни диққат билан тинглаб, шунга мос равишда ўзи ҳам янги фикрларни билдирадиганлар эса адабиёт йўналишида, сюжетли-ролли ўйинлар марказида драматик образли қойилмақом бажарадиган болалар эса актёрлик ва ижро қобилиятларини мактабгача даврда намоён этади)га қараб боланинг ижодий қобилияти аниқланади ва ривожлантирилади. Айна жараёнда тарбиячи кузатувчан ва

эътиборли бўлиб, ҳар бир болага индивидуал ёндашиши зарур.

Ўйиннинг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **ўргатувчи** – хотира, диққат, идрок ва бошқа умумўқув кўникма ва малакаларни ривожлантириш;
- **ҳордиқ олиш** – машғулотларда мақбул муҳит яратиш, машғулот ҳамда болалар билан катталар мулоқотининг бошқа кўринишларини зерикарли тадбирдан қизиқарли саргузаштга айлантириш;
- **коммуникатив** – болалар ва катталарни бирлаштириш, улар ўртасида эмоционал(хиссий) алоқа ўрнатиш, мулоқот кўникмаларини ривожлантириш;
- **релаксация** – интенсив ўқув ва меҳнат чоғида боланинг асаб тизимига юклама туфайли юзага келадиган боланинг ҳиссий (жисмоний) зўриқишини бартараф қилиш;
- **психик-техник** – ўзининг руҳий жисмоний ҳолатини тобора самарали фаолиятга тайёрлаш, жадал ўзлаштириш учун руҳиятни қайта қуриш;
- **ўзини ифода этиш** – бола томонидан ўйин давомида ўз ижодий қобилиятларини амалга оширишга, ўз салоҳиятини тўлароқ намоён қилишга интилиш;
- **компенсатор** – боланинг, реал ҳаётда амалга ошириб бўлмайдиган (ёки жуда қийинчилик билан амалга ошадиган) шахсий интилишларини қондириш учун шароит яратиш.

Педагогик жараёнда ўйин фаолиятнинг бошқа турлари билан бирлаштирилиши, улар бир-бирини ўзаро бойтиши мумкин. Масалан, болалиқда ўйин билан меҳнатни бирлаштириш ижобий самара беради. Бундан ташқари, педагогикада кенг қўлланадиган дидактик ўйинлар таълим жараёнини етарли даражада бойита олади.

Мактабгача таълим ташкилотларида ўйин технологияларидан фойдаланишнинг долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кунда илмий адабиётларда ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ва тарбияланувчилар ижодкорлигини тарбиялаш мақсадида инновацион технологиялардан фойдаланишга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда, аммо ҳамма амалиётчилар ҳам таълимий жараёнда ундан тўғри фойдалана олмайдилар. Болаларнинг ривожланишини ўрганиш шуни кўрсатадики, ақлий ва ижодий жараёнлар ўйин ҳолатида бошқа фаолият турларига қараганда самаралироқ ривожланади, шунинг учун ўйинга таяниш тарбияланувчиларни таълимий ишларга жалб қилиш ва ижодий ҳамда ихтирочилик қобилиятларини шакллантиришнинг энг муҳим усули ҳисобланади.

"Ўйин педагогик технологиялари" тушунчаси педагогик жараёни турли хил педагогик ўйинлар шаклида ташкил этишнинг методикаси ва услубларининг жуда кенг гуруҳини ўз ичига олади. Яъни, аниқ белгиланган таълим мақсади ва тегишли педагогик натижага эришиш аҳамиятга эга бўлиб, улар ўз навбатида асосланади ва тавсифланади. МТТдаги гуруҳларда ўйин шакли ва техникаси таълимий талаблар ва вазиятларга кўра танланади. Бундай ёндашув тарбияланувчиларнинг ижодкорлиги ошиши ва таълимий фаолиятдан олинadиган натижалари самарали бўлишига туртки беради. Таълимий фаолиятда ўйин техникаси ва вазиятларини амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Болалар учун дидактик мақсад ўйин вазифаси шаклида берилади.
2. Таълимий мақсад ўйин қоидаларига бўйсунди.

3. Ұйинда болалар янги маълумотларни эркин ҳолда ўзлаштирадидлар ва иждокорликларини намойиш қиладидлар.

Мактабгача таълим ёшида бола ўйин жараёнида катта имкониятга эгалигини таъкидлашимиз жоиз. Бошқа фаолиятлардан фарқли ўлароқ ўйин жараёнида мустақил бўлиш, тенгдошлари билан ўз хоҳишига кўра мулоқот қилиш, ўйинчоқлар танлаш ва турли хил воситалардан фойдаланиш, ўйин майдончаси билан мантиқан боғлиқ бўлган муайян қийинчиликларни енгиш, унинг қоидаларига бажонидил амал қилиш ва бевосита иждодий ёндашиш каби қоидаларни объектив қабул қиладидлар.

Таълим жараёнини фаоллаштириш ва замонавийлаштиришга қаратилган мақсадларнинг марказида ўйин фаолияти тан олиниси ҳам бежиз эмас. Сабаби шахсга йўналтирилган таълим ва болаларга бериладиган эркинликлар бу шунчаки тарбияланувчиларни мақсадсиз вақтини ўтказиш эмас, аксинча уларга таълим дастурларидаги материалларни босим ва кучли назоратдан холи бўлган дидактик ўйинлар воситасида бериш ва иждокорликни тарбиялаш мақсадини англатади. Бунда эса мактабгача таълим ташкилоти педагоги ўйинларнинг функцияларини ва таснифини тўғри тушуниши, технологияларни мақбул тарзда жараёнда қўллаши катта аҳамиятга эга.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар идрокнинг ёркинлиги ва тезкорлиги, тасвирларга кириш қулайлиги билан ажралиб туради. Тарбияланувчилар ҳар қандай фаолиятга, айниқса, ўйнашга осонликча жалб қилинади. Шу ўринда таълимий жараёнда қўлланиладиган ўйинларнинг аҳамиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик жараённинг моҳияти бўйича қуйидаги ўйин гуруҳлари ажратилади:

- а) таълимий ва умумлаштирувчи;
- б) когнитив, тарбиявий, ривожлантирувчи;
- в) коммуникатив, ижодий;
- д) диагностик, мантиқий ва бошқалар.

Масалан, "Сехрли қопча" ўйинида предметларнинг хусусиятлари ва сифатлари аниқланади, конкретлаштирилади ва бойитилади. Тарбияланувчиларнинг сезги, тасаввур ва билимлари стандартлаштирилади. Бунда "Олтин куз" мавзуси доирасида болалар мева ва сабзавотлар билан таништирилаётганда уларнинг муляжлари қопчага солинади ва икки гуруҳга бўлинган болалар навбати билан кўзларини боғлаган ҳолда уларни олиб, нималигини, мазаси ва шакли қандайлигини, ранги қанақалигини, полизда ёки дарахтда ўсишини топишади. Тарбиячи жараёнда болаларга йўналтирувчи саволлар бериб боради. Жараён қизиқарлилиги билан бирга болалар янги билимларни ўйин тарзида ўзлаштирадilar. Айни вазиятда болаларда ижодкорлик қобилиятлари ривожланиб, мева ва сабзавотларнинг шакли, ранги, мазасини тасаввур қилади, мавзуга мос шеър, ҳикоя, эртақларни айтиб, уларни давом эттириш топшириғи топширилганда фаол ижодий жараёнга киришадилар.

Шу ўринда "Давом эттир" ўйинининг аҳамиятини таъкидлаш зарур. Ўйин қондасига кўра тарбиячи болаларга эртақ ёки ҳикояни ўқиб беради ва маълум бир жойга етганда тўхтатади. Ҳар бир боланинг бадиий асарни қандай яқунлаши тингланади. Бунда болаларнинг нутқи ривожланади, янги сўзлар билан бойийди, воқеалар кетма-кетлигини эслаб қолишга ҳаракат қилади ва асар конструкциясини тузишга ҳаракат қилади. Айни таълимий топшириқлар тарбияланувчиларнинг нафақат нутқини ривожлантиради, балки диққати, хотираси, тасодифий

вазиятларда қарор қилиш кўникмаларини шакллантиради ва асосийси ижодий дунёқараши кенгайди.

Сюжетли-ролли ўйинлар ҳам мактабгача таълим ташкилотигадаги болаларнинг энг севимли ва топшириқларни бажонидил бажаришга ундайдиган таълимий майдонча ҳисобланади. Масалан, ноябрь ойида болалар йўл белгилари ва ҳаракатланиш қоидаларини ўрганишади. Олинган билимларни мустаҳкамлаш учун эса “Ҳайдовчи” сюжетли-ролли ўйини таклиф этилади. Бунда бир бола йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими ролида бўлса (ёки тарбиячининг ўзи ҳам бўлиши мумкин), гуруҳ жамоаси ҳайдовчилар бўлади. ЙҲХ ходими ҳайдовчиларни тўхтатиб, йўл белгиларини сўрайди, оқ йўл тилайди...

Жараёнда тарбияланувчиларда ҳиссий ва рационалликнинг бирлиги таъминланади, ижодкорлик ривожланади, ташаббускорлик ва қувонч уйғонади. Энг муҳими ўйин технологиясининг мослашувчанлиги туфайли бола ўзига хослигини намоён этадиган вазиятларга дуч келади. Ўйинда иштирокчиларнинг қизиқиши ортади, ижобий ҳис-туйғулари кучаяди, эътиборини ташқи томондан юкланмаган, балки керакли, шахсий мақсадга айланган таълимий вазифага қаратади. Тажриба шуни кўрсатадики, ҳақиқий ҳаёт шароитларига яқин ўйинлар давомида мактабгача ёшдаги болалар ҳар қандай мураккабликдаги материалларни осонроқ ўрганадилар, вазиятга ижодий ёндашадилар.

Ўйинда боланинг *ўзини англаш функциясини* алоҳида таъкидлашимиз зарур. Ўйин, бир томондан, бола амалиётда ўзига хос ҳаётий қийинчиликларни бартараф этиш лойиҳасини қуриш ва синовдан ўтказиш, бошқа томондан, мақсадга эришиш йўллари аниқлашга имкон беради. Ўзининг қизиқишларини ҳам аниқлайди.

Ўйиннинг *коммуникатив функцияси* эса болалар ўзаро боғлиқ равишда ҳамкорлик қилади, мулоқотга киришади. Ижтимоий йўналишга иқтидори бор болаларда бу функция фаол шаклда ўз самарасини беради.

Ўйиннинг *диагностик функцияси* тарбиячига боланинг турли хил ҳолатларини (интеллектуал, ижодий, ҳиссий ва ҳк.) диагностика қилиш имкониятини беради. Шу билан бирга, ўйин "ўзини намоён қилиш майдони" бўлиб, унда бола эркин ҳаракатларда ўзининг кучи ва қобилиятларини синаб кўради, ўзини намоён қилади ва ўзини тасдиқлайди.

Ўйиннинг *терапевтик вазифаси* – бу ўйинни боланинг хулқ-атвори, муомаласи, ўрганиши натижасида юзага келадиган турли хил қийинчиликларни бартараф этиш воситаси сифатида ишлатишдир. Ўйин терапиясининг самараси бола роль ўйнаш орқали қабул қиладиган янги ижтимоий муносабатлар амалиёти билан белгиланади. Айнан янги ҳақиқий муносабатлар амалиёти, бунда ролли ўйин болани ҳам катталар билан, ҳам тенгдошлари билан мажбуран эмас, эркинлик ва ҳамкорлик муносабатларига кириштиради, бу охир-оқибат терапевтик таъсирга олиб келади.

Ривожлантириш функцияси – боланинг шахсий кўрсаткичлари таркибига ижобий ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш мавжуд.

Ўйинда бу жараён табиий равишда, қизиқарли тарзда содир бўлади. Энг аҳамиятлиси болалардаги иқтидорлар аниқланади.

Ўйиннинг завқлантириш функцияси, эҳтимол унинг асосий функцияларидан биридир. Чунки мактабгача таълим ёшидаги болалар кўнгилочар ва хушқайфият бағишловчи ҳолатларда идроки, ижодий қобилиятлари фаол ривожланиши олимлар тадқиқотларида кўп бора ўз исботини топган.

Турли хил фикрлашни яъни ижодий қобилиятларни рағбатлантирсак, биз болаларнинг мотивациясини ва чуқур ўрганишга бўлган иштиёқини риавожлантиришга ёрдам берамиз. Болаларни янги ғояларни ўйлаб топишга давом эттиришга ундаш уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини оширади.

Болаларнинг ижодкорлигини ошириш учун қуйидагиларни ёдда тутинг:

- ✓ Ҳар бир бола ўзига хос. Ҳар бирининг ижодий қобилиятини ўстиришда муаммолар бўлиши мумкин. Уларни аниқланг ва ечимини топишга ҳаракат қилинг.
- ✓ Болалар ўз фикрларини эркин ифода этишлари мумкин бўлган гуруҳ муҳитини яратинг, айниқса муаммоли вазиятларни ҳал қилишга доир бўлган вазиятлар болаларнинг ижодкорлигини тарбиялайди.
- ✓ Таққослаш, ноодатий саволларга шахсий жавобларни беришга ундаш ижодий фикрлашнинг муҳим таркибий қисмидир. Бунда болалар ижодига илҳом бериш учун қуйидагича саволлар бериш мумкин:
 - Ҳар доим шанба кунлари ёмғир ёғса нима бўлиши мумкин?
 - Агар машиналар ҳеч қачон эскирмаса, нима бўлади?
 - Агар ҳовлингизда қўй онангизнинг энг севимли гулларини чайнаётганини кўрсангиз, нима қиласиз?
 - Нега биз сочларимиз тоза ва таралган ҳолда уйғонмаймиз?
 - Агар сиз сиз, асалари уялари олдидан ўтса, нима бўлади?
 - Агар мушуклар ҳурса, нима бўлиши мумкин?
 - Агар дунёдаги барча пойабзаллар бир хил ўлчамда бўлса, нима бўлиши мумкин?

Бундай саволлар экскурсиялар давомида берилса, уларнинг табиат билан ҳамоҳанг тарзда берадиган жавоблари ҳам оригинал ва ўзига хос ёндашилган тарзда бўлади.

ЎЙИНЛИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

«Ўйинли педагогик технологиялар» тушунчаси педагогик жараёни ташкил қилишнинг анчагина кенг метод ва усуллари ўз ичига қамраб олади. Машғулотларда ўйинли усул ва вазиятларни амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

- дидактик мақсад болалар олдига ўйинли топшириқ кўринишида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсундирилади;
- ўқув материали ўйин воситаси сифатида қўлланади;
- ўйин фаолиятига мусобақа элементи киритиладики, бу дидактик вазифани ўйинли вазифага айлантиради;
- дидактик топшириқни муваффақиятли бажариш ўйин натижаси билан боғланади.

Таълимий фаолият жараёнида ўйинли технология, ўйин билан ўқув фаолияти элементларини бирлаштириш муваффақияти кўп жиҳатдан педагогнинг педагогик ўйинлар таснифи ва уларнинг вазифалари тўғри тушуниб етилганига боғлиқ.

Педагогик жараён характерига кўра ўйиннинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

- ўргатувчи, машқ қилдирувчи, назорат қилувчи ва умумлаштирувчи;
- билишга оид, тарбияга оид, ривожлантирувчи;
- репродуктив, продуктив, ижодий;
- коммуникатив, диагностик (ташхисловчи), психик-

техник ва бошқа. Ўйин технологиясининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан ўйин муҳити билан белгиланади. Предметли (буюмли) ва предметсиз, стол-босма, хонада ўйналадиган, кўчада ўйналадиган, жойларда ўйналадиган, компьютер ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиладиган, шунингдек, ҳаракатланиш воситалари ёрдамидаги ўйинлар фарқланади.

Ўйин бу:

- Ўйнаб ўрганиш
- Ҳаётга тайёргарлик
- Катталар меҳнати билан танишиш
- Саломатлик
- Тасаввур
- Нутқнинг ривожланиши
- Ақлий ривожланиш
- Иқтидор ва қобилиятнинг намоён бўлиши
- Диққат, хотиранинг мустаҳкамланиши
- Оламни билиш

Ўйин турлари:

1. Ҳаракатли ўйинлар: болаларда сезгирлик, илдамлик, чаққонлик, ишора ва қоидаларга амал қилиш, эпчиллик, интилиш, ҳамжиҳатлилик, ўзаро ёрдам бериш, қайғуриш, хушчақчақлик, чамалаш, мўлжалга олишга ўргатади.

2. Тинч ўйинлар: бу ўйин тури болалар ҳаракатли ўйинлардан олган энергияни пасайтиради ва юрак –қон томирларини ҳаракатини меъёр ҳолатига олиб келади. Ҳаракатли ўйинлардан кейин албатта тинч ўйин бериш лозим. Бундан ташқари хотира ва нутқларини ривожлантириш мақсадида қатор сўз ўйинлари ҳам тинч ўйинларга киради.

3. Таълимий ўйинлар: Болаларда эшитиш, кўриш, сезиш аъзолари орқали турли нарса ва буюмларни хоссаларини билишга, уларни таққослашга, синчиклаб ўрганиш, умумлаштиришга, гуруҳларга ажратиш, кузатувчанлик, зукко, билимдон, мустақил, доно бўлишга, нарса ва ҳодисаларни таҳлил қила олишга, хулоса чиқаришга ўргатади. Ўз номидан келиб чиқиб таълим беради.

Таълимий ўйинларни ўйнайдиган болалар ўзларининг тафаккурини, зукколигини, хаёлотини, ижодкорлигини тарбиялайди.

4. Мазмунли – қоидали ўйинлар(Сюжетли-ролли ўйинлар): ижтимоий ҳаётга тайёрлайди, мулоқотга киришишни ўргатади, катталар меҳнати билан таништиради, дунёни англайди.

5. Ривожлантирувчи ўйинлар: Болаларнинг ақлини пешлайди, ўйлашга, ижод ва ихтиро қилишга ўргатади.

Ўйиннинг афзалликлари:

- Болани овутади
- Вақт бекорга ўтмайди
- Билим беради
- Тарбия воситаси
- Касбларга қизиқиш уйғотади
- Саломатликни кафолатлайди
- Мулоқотга киришади
- Нутқини ривожлантиради
- Луғат бойлигини оширади.
- Маиший ҳаёт билан танишади
- Буюм ва жиҳозлардан фойдаланишни ўргатади
- Меҳрни тарбиялайди
- Миллий урф-одатларни ўргатади

БОЛАЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРУВЧИ ЎЙИНЧОҚЛАР

Болалар учун ривожлантирувчи таълимий ўйинчоқларнинг янги авлодлари яратила бошлангани ҳеч кимга сир эмас. Қадимда ўйинчоқлар асосан ҳаракатли ва тарбияловчи хусусиятларга эга бўлган бўлса, эндиликда ривожлантирувчи таълимий ўйинчоқлар авлоди ривожланди ва ота-оналарнинг, таълим ходимларининг ишончига кира олди. Сабаби ривожлантирувчи таълимий ўйинчоқлар болага керакли кўникмаларни ўргатишнинг ажойиб усули. Бундай ўйинчоқлар қаторидан болаларнинг ижодкорлигини тарбияловчи ўйинчоқлар ҳам борки, илмий

тадқиқотимиз давомида айни шу турдаги ўйинчоқларнинг аҳамияти, уларнинг турларини ўрганишга эътибор қаратдик.

Ривожлантирувчи таълими ўйинчоқларнинг образли ва мантиқий фикрлашни шакллантиришига ишлаб чиқувчилар катта аҳамият беришади. Шунингдек, болаларни белгиланган мақсадга йўналтиришга, мулоқотга ўргатишга ва ўзини намоён қилиш учун имкон беришга ўргатиш ривожлантирувчи таълимий ўйинчоқларнинг қадрияти ҳисобланади. Бироқ, ҳамма ота-оналар ва педагоглар ҳам боланинг ёш хусусияти, индивидуал қобилиятларидан келиб чиқиб ёндашмайди. Баъзилар, маълум бир ёшгача бола белгиланган билимларни эгаллаши керак деб ҳисобласа, баъзилари "мажбурий ўқитиш" шаблонида болани ривожлантирувчи таълимий ўйинчоқлар билан ўйнашга ундайди. Бироқ ёш хусусияти ва индивидуал қобилиятлар ҳисобга олинмайди.

Олимлар беш-етти ёшгача бўлган даврда барча болалар ажойиб хотирага эга эканлигини исботладилар. Янги маълумотни қабул қилиш қобилияти ноёбдир ва янги нарсаларни ўрганиш истаги жуда катта. Натижада, ишонч билан айтиш мумкинки, инсоннинг бутун ҳаёти у биринчи беш-етти йил ичида эгаллаган билим ва кўникмаларига асосланади. Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълим ташкилоти педагоглари ушбу даврга иложи борича масъулият билан ёндашишлари ва боланинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшишлари керак.

Албатта, ҳар бир ёшнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ҳеч кимга сир эмаски, барча ота-оналар фарзандлари тезроқ гапиришини, тезроқ таълимий жараёнга киришишини орзу қилишади, шунинг учун ёш ота-оналар ва оналарнинг биринчи саволи "Нутқни қандай ва қачон ривожлантириш керак?".

Икки ёшгача бола ўз танасини, атрофдагиларни идрок этишни ва билишни, ҳиссиётларни ифода этишни, маконни ҳис қилишни, яқинларингизни таниб олишни, объектларни ҳаракатлантиришни ўрганади.

Интерактив ўйинчоқлар. Ривожлантирувчи таълимий ўйинчоқларнинг орасида интерактив ўйинчоқлар жуда машҳур. Қўшиқлар куйлаш, суҳбатлашиш ва ҳикоялар айтиб бера оладиган ўйинчоқлар нутқнинг ривожланишига фойдали таъсир кўрсатади. Шуниси эътиборга лойиқки, сўзларни идрок этиш ва тушунишни ривожлантирадиган ўйинчоқлар боланинг ижодий қобилиятларини эрта ёшдан тарбиялайди.

Пирамидалар. Мантиқий ривожлантириш учун қулай бўлган пирамидадаги ҳалқаларни бола нафақат ўз ўрнига тақибгина қолмай, балки уларни тўғри тартибда жойлаштириши керак. Пирамидалар пластик, ёғоч ёки матодан тайёрланиши мумкин. Пирамидаларни ўйнаш учун тавсия этилган ёш 1-3 ёш. Ушбу ёшда нисбатлар, шакл ва ранг тушунчалари шаклланади. Бундан ташқари, улар нутқида нуқсонли бўлган болалар учун тавсия этилади, чунки бу жараёнда майда моторикалар ривожланади. Сенсомотор координацияни шакллантиришга, «қўллар ва кўзлар» ҳаракатини мувофиқлаштиришга ёрдамлашади. Ўйинчоқнинг таркибий қисмларидан фойдаланиб, болани шакл, ранг ва ҳажм ҳақидаги асосий тушунчалар билан таништириш мумкин.

Пазлар. Қатъийлик ва диққатлилиқ сифатлари болада жумбоқларни ечиш орқали ривожлантирилади. Расмларни йиғиш ижодий ва мантиқий фикрлашни ривожлантиради. Мозаикаларни ўз ўрнига қўйишда бола ижод қилади, бошқача йўллари кашф қилади.

Классик кублар. Бу турдаги ўйинчоқлар тайёрлов гуруҳидаги болаларни интеллектуал ривожлантириш учун

катта ёрдам бериши мумкин. Ҳарfli ёки рақамли кублар болаларни ҳатто мактабга тайёргарлик кўришда ҳам ёрдам беради. Бундай ўйинчоқларнинг асосий турлари - бу идишлар ва рамкалар. Ўйинчоқнинг таркибий қисмларини бирлаштирар экан, бола буюмларнинг ҳажми ва шаклини солиштиришни, қўл ва кўз ҳаракатларини бошқаришни ўрганади. Бу ўйинчоқлар, шунингдек, фикрлаш ва тасаввур қобилиятини ривожлантиради.

Столда ўйналадиган ўйинлар. Бундай ўйинчоқлар бармоқ билан ишлашни талаб этгани боис, майда моторика ривожланади, нутқий жараён яхшиланади, қўллар ёзув кўникмаларига тез ўрганади.

Монтессори ўйинчоқлари. Монтессори методикасида шундай жиҳозлар борки, бола мустақил равишда шуғулланиб, янги билим ҳосил қилади. Масалан, ҳар хил шаклдаги цилиндрларни ўз ҳажмига мос жойларга жойлаштириш. Кузатишлардан маълум бўлдики, тарбиячи кўрсатмаси билан топшириқни бажарган болалар эртасига ушбу вазифани қайтадан кўрсатиб беришда хатоликка йўл қўйди, мустақил бажарган болалар цилиндрларни деярли бехато бажарди. Мустақил ўзлаштириш жараёнида кўпроқ вақт талаб қилиниши мумкин, лекин улар олган билимларини хотираларида мустаҳкам сақлаб қоладилар.

Конструкторлар. Боланинг ёши 3-6 ёш оралиғида бўлганида, у ижодкорликни ривожлантириш учун муҳитга эга бўлиши керак. Бола содда жумбоқларни бажонидил ечади, турли хил карточкалар, конструкторлар билан машғул бўлади.

Расм, аппликация ва моделлаштиришга ўргатувчи ўйинчоқлар. Айни турдаги ўйинчоқларни ижодий қобилиятлари ривожланган болалар ўйнашга мойиллик билдиришади. Ривожлантирувчи ўйинчоқлар боланинг қайси йўналишга мойиллигини аниқлай олади. Агар у

конструкторларни қаламдан афзал кўрса, уни санъат мактабига юбориш қийин.

Педагогикада индивидуаллик принципи бебаҳо қадрият сифатида тан олинади. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчининг мойиллигига қанчалик эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишса, уларнинг ўз қизиқишларига йўналишлари шунчалик юқори бўлади. Демак, бу болаларнинг ўз қобилиятлари ва қизиқишларига ишончни келтириб чиқаради.

Замонавий таълимий ривожлантирувчи ўқув ўйинчоқлари тарбияланувчиларга ўзи учун қизиқарли бўлган нарсаларни аниқлашга имкон беради. “Боланинг энг биринчи ўқитувчиси ўйинчоқлардир” деган иборани шу ўринда эслаш мақсадга мувофиқ.

Ҳамма бола ҳам ўйинчоқни, улар билан ўйнашни яхши кўради. Аслида, ўйинчоқ нафақат болани овунтиришга, балки, унинг жисмоний ва маънавий камолотига, тафаккурининг ривожланишига хизмат қилади.

Қуриш ясашга мўлжалланган кубикли конструкторлар таянч-ҳаракат аъзолари ва майда моторикани ривожланишига ёрдам беради.

- Қўл ва бармоқ қанчалик кўп ишласа нутқ шунчалик яхши бўлади.
- Турли қисмларни йиғиш болани мантиқий фикрлашга ўргатади.
- Конструкторларни йиғиш жараёнида бола диққат-эътиборли, сабрли бўлишга ўрганади.
- Бу ўйинда бола ижодий фикрлашни ўрганади, қайси шаклдан кейин қайсинисини қўйишни ўйлаш унинг тасавури кенгайишига хизмат қилади.

Нарса-буюмлар билан ўйнаганда бола бирор янги предмет ва унинг ўзига хослигини ўрганади. Нутқни ривожлантирувчи ўйинларда эса болалар халқ оғзаки ижоди

билан танишадилар, бадий адабиёт намуналаридан шеър ёдлайдилар, ҳикоя тузадилар. Булар натижасида эса болаларнинг сўз бойлиги ошади, ўз фикрларини бемалол баён қилишни ўрганади. Таълимий ўйинларда бола ранг, ҳарф, сонларни ўрганади. Дунё ҳақидаги дастлабки билимларни ўрганади. Ҳар бир болада “Дўкон”, “Касалхона”, “Саёҳат” каби ролли ўйин ўйнаш учун керакли ўйинчоқлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу каби ўйинларда болалар катталарга тақлид қилишни, жамоа билан ўйнашни ўрганадилар.

Ҳамма ота-она фарзандини ўйинчоқ билан хурсанд қилишни хоҳлайди. Ўйинчоқлар болаларнинг ҳам жону дили. Аслида, ўйинчоқ нафақат болани овунтиришга, балки, унинг жисмоний ва маънавий камолотига, тафаккурининг ўсишига хизмат қилади. Шу маънода ишлаб чиқарувчилар болаларни ҳар томонлама ривожлантиришни назарда тутадиган турли йўналишдаги ўйинчоқларни таклиф этишади.

1. Қуриш ясашга мўлжалланган кубикли конструкторлар:

- таянч-ҳаракат аъзолари ва майда моторикани ривожланишига ёрдам беради;
- қўл ва бармоқ қанчалик кўп ишласа, нутқ шунчалик яхши бўлади;
- турли қисмларни йиғиш болани мантиқий фикрлашга ўргатади;
- конструкторларни йиғиш жараёнида бола диққат-эътиборли, сабрли бўлишга ўрганади.
- Бу ўйинда бола ижодий фикрлашни ўрганади, қайси шаклдан кейин қайсинисини қўйишни ўйлаш унинг тасавури кенгайишига хизмат қилади.

2. Таълимий ўйинлар болага қандай ёрдам беради? МТТда асосан 3 хил таълимий ўйинлардан фойдаланилади.

Булар: буюмлар билан ўйнаш, карточкалар, нутқни ўстирувчи ўйинлар.

Нарса-буюмлар билан ўйнаганда бола бирор янги предмет ва унинг ўзига хослигини ўрганади. Нутқни ривожлантирувчи ўйинларда эса болалар халқ оғзаки ижоди билан танишадилар, бадиий адабиёт намуналаридан шеър ёдлайдилар, хикоя тузадилар. Булар натижасида эса болаларнинг сўз бойлиги ошади, ўз фикрларини бемалол баён қилиш кўникмаси шаклланади. Таълимий ўйинларда бола ранг, ҳарф, сонларни ўрганади. Дунё ҳақидаги дастлабки билимларга эга бўлади. Ҳар бир болада “Дўкон”, “Касалхона”, “Саёҳат” каби ролли ўйин ўйнаш учун керакли ўйинчоқлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу каби ўйинларда болалар катталарга тақлид қилишни, жамоа билан ўйнашни ўрганадилар.

Хўш, неча ёшда қандай ўйинчоқларни танлаган маъқул?

3 ёш учун: турли ўлчамдаги тўплар, кубиклар, уч гилдиракли велосипед, пластилин, доска ва рангли бўрлар. Рангли қоғоз ва қаламлар, фломастер ва бўёқлар, боғдорчилик ўйинчоқлари; мусиқий ускуналар (доирача, кўнғирок,) оддий мозаика суратлари; конструктор ўйинлар (йиғиш, тўплаш, қуриш). Қиз болалар учун аксессуарлари бор кўғирчоқ, ўғил болалар учун машина ва солдатлар.

3-6 ёш учун: коптоклар, пластилин, кубиклар, касбга оид ўйинчоқлар, шифокорлик, қурилиш, дурадгорлик асбоблари, йирик авто ўйинчоқлар (юк машинаси, вагон, самолёт, поезд), қалам, фломастер, акварель, елим, қоғозлар, расм бўяйдиган китоблар, уйча, ҳарфлар тўплами.

ЎЙИНЧОҚ ОЛАЁТГАНДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ:

- ✓ Ўйинчоқ хавфсиз хом-ашёдан тайёрланган бўлиши керак.
- ✓ Юмшоқ ўйинчоқлар инфекция манбаи бўлиб хизмат қилади.

- ✓ Ўйинчоқни олаётганда ҳидлаб кўриш керак, агар ундан ёмон ҳид келса, унинг заҳарли хом-ашёдан тайёрланганлигини билдиради.
- ✓ Ўйинчоқнинг овози болани кўрқитмаслиги ва асабийлаштирмаслиги керак.
- ✓ Ўйинчоқнинг четлари ўткир қиррали бўлмаслиги керак.
- ✓ Яна унинг ранги табиий бўлиши керак. Сунъий рангдаги ўйинчоқларда заҳарли бўёқлар қўшилган бўлиши мумкин.
- ✓ Бола ўйинчоқни кўтара оладиган ҳажмда бўлиши, бироқ оғзига сиғмаслиги лозим.
- ✓ Ҳар бир ўйинчоқда албатта ёш кўрсаткичи кўрсатилган бўлиши зарур.
- ✓ Ҳеч қандай ёрлиқ ёки белгисиз ўйинчоқларни харид қилмаган маъқул.
- ✓ Улкан махлуқ шаклидаги жониворлар, ўйинчоқ қуроллар болада тажовузкорлик руҳини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг “Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 17 мартда тасдиқланган Қарорга кўра гуруҳларда қуйидаги ўйинчоқлар бўлиши белгиланган:

«Шифохона» ўйини учун: аптечка, шифокор жиҳозлари.

«Гўзаллик салони» учун: сартарош жиҳозлари.

«Ошхона» учун: ошхона мебеллари тўплами, ошхона идиш ва анжомлари.

«Ателье» ўйин маркази учун: болалар дазмоли, дазмол столи, болалар тикув машинаси, болалар тикувчи жамланмаси.

«Кир ювиш» ўйин маркази учун: кир ювиш машинкаси, дазмол столи, кир учун сават.

«Банк» ўйин маркази учун: банк картаси, касса аппарати, монитор.

«Почта» ўйин маркази учун: почта бўлими, муҳр, телефонлар (ҳар хил), фотоаппарат, телевизор макети, рация.

«Ферма» ўйин маркази учун ферма макети, одамлар макети, ҳайвонлар макети, дарахтлар, балиқ ҳовузи.

«Автомобиль тураргоҳи» ўйин маркази учун: йиғма тураргоҳ, одамчалар макети, ўйин маркази мини шаҳарча (макет).

«Болалар кутубхонаси» фаолият бурчаги учун: китоблар учун жавон, диван ўриндиғи билан, китоблар.

«Табиат ва биз» фаолият бурчаги учун: жавон, табиат бурчаги, болалар меҳнат қуроллари.

«Тасвирий фаолият» бурчаги учун: жавон, мольберт, магнит доска, қумда чизиш учун стол, рангли қумлар, рангли ва мумли бўрлар, пластилин (лой) ва махсус тахтачалар, қаламдонлар.

Кўп функцияли сахна учун:

сахна ширмаси, жавон, болалар пианиноси, миллий мусиқа асбоблари, жаҳон мусиқа асбоблари, эртак қаҳрамонлари ниқоблари (маска), сахнага мос қаҳрамонлар кийимлари.

«Супермаркет» ўйин маркази учун: жавон (сотувчи учун пештахта), тарози, сотув маҳсулотлари муляжи, болалар кассаси, қутичалар.

Жисмоний тарбия бурчаги учун: жавон, болалар учун қиялик, коптоклар (катта), коптоклар (кичик), футбол тўплари, баскетбол тўплари, гимнастика ҳалқалари, қум халталари, теннис ракеткаси (тўплари билан), ҳалқа

ташлагич, бадминтон, гимнастик таёқлар, кегли, сават (мўлжалга олиш учун), сакраш учун арқон, шашка, шахмат, чирмандалар, майда пластмассали коптокчалар (рангли), чиниқтириш ва ясси оёқликни олдини олиш учун йўлакча.

Қуриш-ясаш маркази учун: қуриш-ясаш маркази (қурилиш ўйинлари).

Илғор ривожлантирувчи ўйинлар: жавон, пазл гиламча.

Столда ўйналадиган дидактик ўйинлар: стол, ривожлантирувчи ўйинлар.

Миллий бурчак учун: жавон, миллий айвонча, болалар хонтахтаси (дастурхон билан), кўрпача, буюк сиймолар буклети, миллий қўғирчоқлар, миллий ҳайкалчалар.

Ўйин ва ўйинчоқлар:

болалар пуфиклари, болалар компьютери, сенсор столи, юк ва енгил ўйинчоқ автомобиллар, ўйинчоқ қурилиш транспорт турлари: (кўтарма кран, трактор, экскаватор), ўйинчоқ самолёт, ўйинчоқ вертолёт, ўйинчоқ кема (пароход), ўйинчоқ поезд (йўл ўйини билан), пилдироқ (юла ўйинчоқ), ўт ўчирувчилар ўйини, ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонлари, қўғирчоқлар (турли хилда), ҳайвончалар (турли хилда), қурилиш ўйинлари (илк ва кичик гуруҳлар учун), қурилиш ўйинлари (ўрта ва катта гуруҳлар учун), йиғма кублар (модуль), қурилиш асбоб-ускуналари, пирамидалар, резинали мириладиган ҳайвонлар, сенсорикани ривожлантириш бурчаги (уйча, кубик, автомобиль), шаклли тахтачалар (сеген доскаси), муляжлар: мева, сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳайвонот боғи макети (ҳайвонлари билан), қурилиш материаллари макети (йирик), суратли кубиклар, стол театри учун эртак қаҳрамонлари, соя театри ва эртак қаҳрамонлари, конструкторлар, болғача, мозаикалар (турли шаклдаги), чой учун идишлар (сервис), аравача (қўғирчоқ учун), бураб юргазиладиган ўйинчоқ, қолипчалар (қум билан ўйнаш учун), ювинтириш жиҳозлари (қўғирчоқ

учун), куракча, мантикий ўйинлар, домино, никитин кубиклари, бошқотирма ўйинлар, математик ўйинлар, дидактик ўйинлари, экологик ўйинлар, лото ўйинлари, монтессори ўйинлари, катта гуруҳлар учун ўйинлар, болалар ўқув қуроллари учун болалар сумкаси, рангли қаламлар ва бўёқлар, сон ва саноқ учун турли кўринишдаги жиҳозлар, геометрик шакллар учун пенал, саноқ чўплар, кўргазмали қуроллар (давлат талаблари йўналишларига доир), геометрик шаклларнинг ясси кўринишлари, кўғирчоқнинг уйи, лупа, бинокль, телескоп, компас, микроскоп, эксперимент ўтказиш учун жиҳозлар.

Қуйида ривожлантирувчи ўйинчоқлар ёрдамида ўтказиладиган таълимий фаолият намунасини келтирамиз:

ЎЙИНЧОҚ ТРАНСПОРТЛАР ЁРДАМИДА ФАЗОДА ЎЛЧАМ ОЛИШГА ЎРГАТИШ

Таълимий фаолиятнинг мақсадлари:

Таълимий: Болаларда фазовий ўлчам олиш кўникмаларини ривожлантириш, ижодий қобилиятларини шакллантириш.

Ривожлантирувчи: Баланд-паст, олдинга-орқага, ўннга-чапга кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Тарбиявий: Тарбияланувчиларда меҳнатсеварлик қобилиятини ривожлантириш, гуруҳ бўлиб ишлаш малакасини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: АКТ, ўйинчоқ машина, тарқатма материаллар.

Тарбиячи: – Болажонлар, бугунги таълимий фаолиятимизни саволлар билан бошламоқчиман.

Осмон қаерда?

Ер қаерда?

1-бола: – Осмон тепада, ер пастда.

Тарбиячи: – Энди мана бу ўйинчоқларга қаранг. Капалак турибди, уни хонамиздан гулни топиб ана ўша гул устига

қўйиб қўйишимиз, мана бу машинани эса гаражга томони йўналтиришимиз, фартукни она қўғирчоқ олдида бориб тақиб қўйишимиз, соч тўғноғични қўғирчоқ Лолахоннинг сочига тақиб қўйишимиз, асал идишини Айиқполвонинг ёнига олиб бориб қўйишимиз керак бўлади. Қани, хонани қидиринглар-чи, гул қаерда экан?

2-бола: – Тарбиячи опа, гул жавоннинг устида экан.

Тарбиячи: – Ундан пастроқда ҳам гуллар бор, яхшилаб қаранглар.

3-бола: – Мана мен топдим, жавоннинг пастидаги гулдонда гул бор экан. Капалакни беринг ўша ерга қўйиб қўяман.

Тарбиячи: – Мана бу машинани эса ўз гаражга олиб бориб қўйишимиз керак. Хонада иккита учта гараж бор, бу машина кўк рангдаги гаражга киришни истаяпти. Қани, кўк рангдаги гаражни топинглар-чи?

4-бола: – Мен кароватим яқинида яшил гаражни кўрдим.

5-бола: – Мен эшикка яқин жойдаги жавончада кўк рангдаги гаражни кўрдим.

Тарбиячи: –Кўк гараж эшикка яқин жойдаги жавончанинг олдида эканми?

5-бола: – У жавончанинг олдида экан.

Тарбиячи: – Баракалла. Болаларим, энди она қўғирчоққа мана бу фартукни олиб бориб тақиб қўйишимиз лозим. Болалар, фартук қанақа шаклда экан?

Болалар: – фартук тўртбурчак шаклда экан.

Тарбиячи: – Болажонлар, она қўғирчоғимиз бугун қаерда экан?

6-бола: – Қидираяпмиз, аммо тополмаяпмиз.

Тарбиячи: – Ўнг томондаги, чап томондаги жавонларни қаранглар, жавоннинг олд томонини, орқа томонини кўринглар. Ўша ерда бўлиши керак.

7-Бола:– Мен топдим. У чап томондаги жавоннинг олдида экан.

Тарбиячи: – Болажонлар, фатрукни қўғирчоқнинг қайси томонига тақамиз?

Болалар: – Фартукни она қўғирчоқнинг олд томонига тақамиз.

Тарбиячи: – Эндиги ишимиз қўғирчоқ Лолахоннинг сочига тўғноғич илиб қўйишимиз керак. Қани, қўғирчоқ Лолахонни топингларчи?

(Болалар қўғирчоқ Лолахонни роса қидиришади)

8-бола: – Тарбиячи опа, биз қўғирчоқ Лолахонни ҳеч қаердан топа олмадик.

Тарбиячи: – яхшилаб қаранглар, эҳтимол жавоннинг тагидадир, балки, сандиқчанинг устидадир. Ахир Лолахон ўзи юра олмайди-ку.

9-бола: – Тарбиячи опа, мен қўғирчоқ Лолахонни топдим, у машиналар турадиган гараж ёнида экан.

Тарбиячи: – Болажонлар, шунинг учун ҳам ҳамма нарсани жой-жойига қўйишимиз керак. Бўлмаса, тартибсиз одамдан ҳамма қочади. Қани, Лолахонни олиб келинглар. Қўғирчоқни мени олдимга олиб келасизларми ёки орқа томонимгами?

Болалар: – Қўғирчоқ Лолахонни сизнинг олдингизга олиб борамиз, агар орқа томонингизга олиб борсак сиз уни кўрмайсиз ва тўғноғич қадай олмайсиз.

Тарбиячи: – Баракалла, жудаям тўғри айтдинглар. Энди ўйинимиз шартига кўра айиқполвонни топишимиз ва унга асал солиши учун хумчасини олиб бориб беришимиз керак. Қани, бир қаранглар-чи, айиқполвон қаерда экан?

(Болалар хонанинг роса айланишади ва айиқполвонни топа олишмайди)

Тарбиячи: – Болажонлар, таом ейдиган жойимизни, кароватларнинг тагини, кароватларнинг устини, китоб жавонининг устини яхшилаб қаранглар. Кечагина айиқполвон гуруҳда эди.

Болалар роса қидиришади, лекин топишолмайди.

10-бола: – Тарбиячи опа, ҳамма жойни қидирдик лекин ҳеч қаерда айиқполвон ўйинчоғи йўқ-ку.

Тарбиячи: – Болажонлар, ахир тонгда қўшни гуруҳдаги дўстларингизга ўйнаш учун айиқполвонимизни бериб тургандик-ку. Уларнинг гуруҳи қайси томонимизда?

Болалар: – Уларнинг гуруҳи ўнг томонимизда.

Тарбиячи: – Ҳозир ёрдамчи энагамиз бизга айиқполвонимизни олиб чиқиб берадилар. Биз эса унга жисмоний дақиқа ўтказамиз.

Мен қўлимдаги карточкада сонлар кўрсатаман, унда неча сони кўрсатилган бўлса сизлар ўшанча марта ўтириб турасизлар.

(Тарбиячи 2,4,5,6 рақамларини кўрсатади)

Тарбиячи: – Энди эса айиқполвонимизни топиб олдик. Уни гуруҳнинг қайси томонига қўйганимиз маъқул?

Болалар: – Уни гуруҳимизнинг чап томонига девор ёнига қўйсақ яхши жойлашади.

(Тарбиячи ва болалар биргаликда айиқполвонни жойлаштириб қўйишади)

Тарбиячи: – Болажонлар, ақийполвон учун хумни унинг олдига қўямизми ёки бошининг тепасига қўйсақ ҳам бўлаверадими?

Болалар: – Хумни бошининг тепасига қўйсақ у тушиб кетади. Хумни айиқполвонинг олдидаги столчага қўямиз.

Тарбиячи: – Баракалла. Қойилман, бугунги фаолиятга жудаям яхши тайёрланибсизлар. Энди эса мен гаплар ўқийман сизлар эса уни давом эттирасизлар.

Юлдузлар (тепада жойлашади)

Гуллар (ерда ўсади)

Китоб стол (устида)

Челак стол (пастида)

Гилям уйнинг (ерида)

Юлдуз (осмонда, тепада)

(Тарбиячи фаол иштироқ этганларни рағбатлантиради)

БОЛАНИНГ ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЎЙИНЛАР

Ўйин шундай фаолиятки унинг натижасигина эмас, балки жараённинг ўзи ҳам болага завқ бағишлайди. Ўйин фаолияти ижод учун имкон беради, ҳис-туйғуларини кучайтиради. Қуйида мактабгача таълим ташкилотларида қўлланиладиган ўйинли технологияларининг мақсадлари келтирамиз.

1. Дидактик ўйин: дунёқарашни кенгайтириш, билимларни амалиётда қўллаш, маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш.

2. Тарбиявий: таълим олувчида мустақилликни, иродани тарбиялаш, маълум муносабатлар, ахлокий-эстетик қадриятларни шакллантириш, ҳамкорлик, жамоа билан бирлашиш туйғуларини тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи: диққат, хотира, нутқ, тафаккур, таққослаш кўникмалари, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимларни излаб топиш кўникмалари, ўқув фаолиятига нисбатан мотивацияни ривожлантириш.

4. Ижтимоийлаштирувчи: таълим олувчилар онгига жамиятда қабул қилинган ахлокий меъёрларни, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, муҳитга мослашиш, ўз-ўзини бошқариш, мулоқотга ўргатиш, психотерапевтик таъсир.

Ўйинли технологияларнинг баъзи концептуал асослари:

1. Ўйинли технологияларнинг психологик механизми шахснинг ўз-ўзини намоиш қилиш, жамоада ўз ўрнини эгаллаш, ўз-ўзини бошқаришга бўлган эҳтиёжга асосланади.

2. Машғулот жараёнида ўйин таълим олувчиларни ўқув жараёнига ундовчи восита вазифасини бажаради.

Бунда таълим мақсади ўйин шарти сифатида қўйилади:

- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди;
- ўқув материали ўйин орқали тақдим этилади;
- беллашув элементи олиб кирилади;
- дидактик масаланинг ечилиши ўйин натижаси билан боғланади.

Ўйинлар қоидаси “қатъий” ёки “қатъий бўлмаган”, олдиндан қабул қилинган ёки ўйин давомида тузиладиган бўлиши мумкин.

Ўйин структураси қуйидаги босқичлардан иборат:

- мақсад қўйиш;
- режалаштириш;
- мақсадни амалга ошириш;
- натижалар таҳлили.

Тарбиячиларнинг вазифаси боланинг бой имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва мазкур ёшдаги болалар учун ҳаммадан муҳим, ҳаммадан зарур нарсани тўғри танлаб олишдир. Бола фаолиятининг табиати ва мазмуни ақлий ривожланишнинг объектив, яъни холисона мезонлари бўлиб ҳисобланади. Тарбиячи боланинг ёш хусусиятлари, ривожланишига қараб, боланинг ақлий ва маънавий тарбиясига ёрдам берадиган ҳар хил мантиқий ҳаракатли ўйинлар ташкил қилиши, бу ўйинлар аста-секин мураккаблашиб бориши, ўйинлар орқали болаларда ижобий малакалар мустаҳкамланиб бориши керак. Ана шундагина болаларни ақлий фаолиятга тайёрлаш бир мунча осон кечади.

Мантиқий ҳаракатли ўйинлар орқали бола диққат билан теварак-атрофни кузатишга, идрок этилган нарса ва ҳодисаларнинг маъносини, айрим ҳодисаларнинг ўзаро бири-бирига боғлиқлигини тушунишга ҳаракат қилади ва ўз-ўзидан боланинг хотираси ривожланиб, қизиқувчанлиги, лаёқати ошиб боради. Ўйинларни ташкил этишда тарбиячи шунга аҳамият бериши керакки, болалар ҳаракатли ўйинлар

ўйнаётган пайтда шикасланиб қолмаслиги, бир-бирига урилиб кетмаслиги, мувозанатни йўқотиб қўймаслиги керак. Чунки мактабгача ёшдаги болаларнинг таянч-ҳаракат тизими, яъни скелети, бўғим-бойлам аппарати, мушакларнинг ривожланиши ҳали тугалланмаган бўлади ва суякларнинг ҳар бирининг ҳажми, шакли, тузилиши жиҳатдан ўзгаришда давом этади ва бола машқ бажараётганда олган кичик шикастланиш ҳам айтайлик, бурун ва қулоқнинг енгил лат ейиши йиллар давомида ўз асоратини сезиларли даражада қолдириши мумкин.

Шунинг учун ҳам тарбиячилар олдидаги масъулият жуда катта. Тарбиячи ўйинни ташкил қилар экан, ўйин ҳаракатлари турлича, қизиқарли, кўرғазма ва тарқатма жиҳозлари хилма-хил, энг муҳими, бола учун сеvimли бўлишини таъминлаши лозим, бундан ташқари ўйин ҳаракатлари, шартларини бола яхши ўзлаштирган бўлиши керак ва бу ҳаракатлар бола учун қийинчилик туғдирмаслиги, унинг жисмоний зўриқишига олиб келмаслиги керак. Ана шундагина ўйин болалар учун завқли, мароқли ўтиши мумкин ва бола бундай ўйинларни жондиди билан берилиб ўйнайди, бундай ўйинлар ўз-ўзидан болани ақлий фаолиятга тайёрлайди ва мантиқий фикрлашни ошириб боради. Мисол тариқасида мантиқий ҳаракатли ўйинлардан бирини олиш мумкин.

Бунда болалар икки гуруҳга бўлинадилар ва гуруҳ сардорини сайлайдилар. Тарбиячи болаларга тушунтиради, бунда сардор бориб, белгиланган доира ичига шаклнинг бир қисмини чизиб қайтади, навбатдаги бола бошқа қисмини, ўйин сўнгида берилган намунадаги шакл чизилиши лозим, ўйинни шундай ташкил қилиш керакки, шаклнинг ҳар бир детали гуруҳдаги болаларга етарли қилиб тузилиши керак ва охириги бола охириги детални чизиб тугатиши лозим. Қайси гуруҳ олдинроқ чизиб тугатса, у гуруҳ ғолиб ҳисобланади ва

бунда шаклнинг сифатига ҳам баҳо берилади.

Ўйин болаларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашда мактабгача таълим ташкилоти ишида катта ўрин эгаллайди. Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қондирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялашда ўйин муносиб ўрин эгаллайди. Атоқли педагог ва шифокор Е.А.Аркин ўйинни “руҳ витамини” деб бекорга айтмаган.

Ўйин фаолияти бола ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади, у меҳнат ва таълим билан узвий алоқада бўлгани ҳолда етакчи фаолият сифатида намоён бўлади. Тадқиқотчилар ўйиннинг аҳамияти, қадри, унинг шартлилигини ҳамда ижтимоий хулқини шакллантиришда, шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилаб олиши, унинг муомала чоғидаги ҳатти-ҳаракатини аниқлаб олиши ҳамда миянинг кейинги ўрганиладиган мавзуга тайёрланишида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтирадilar. Тугилганидан бошлаб 3 ёшгача даврда, яъни боланинг ақлий қобилиятлари жадал ривожланаётган даврда ўйин жуда муҳим эканлигини таъкидлайдилар.

Болани мустақиллик билан таништиришга ундайдиган, мустақил ўрганишга йўналтирадиган ва дунёни фаол кашф қилишга чорлайдиган ўйин концепцияси боланинг умумий ривожланишини кафолатлайди.

Ижодий таълимий-дидактик ўйинлар мактабгача ёшдаги боланинг ишончини, нутқини, жисмоний ва фикрлаш қобилиятини, тасаввур ва ҳиссий тушунчаларини ривожлантиради.

Қуйидаги ўйинлар мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг хотираси, диққати, тасаввурини ривожлантириш билан бирга унинг билиш компетенцияларини шакллантириш

орқали ижодий қобилиятларини юзага чиқаришга ёрдам беради.

МЕВАЛАРНИ ТОП

Мақсад: тарбияланувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш.

Ўйин шартига кўра, тарбиячи сўзларни кетма-кетликда ўқийди, тарбияланувчи эса мева номини эшитганда қарсақ чалиши керак. Масалан: карам, олма, нок, укроп, олхўри, сабзи, ўрик, қулупнай, картошка, апельсин.

ГУРУҲЛАРГА АЖРАТ

Мақсад: болаларни таҳлилий фикрлашга ўргатиш, таққослаш ҳақидаги билимларини бойитиш.

Тарбиячи исмларни кетма-кет ўқийди, тарбияланувчи эса бу сўзларга қандай ном беришни айтади. Масалан, Азиза, Тоҳир, Малика, Рустам, Анвар - буларни «Дўстлар» деб номласак бўлади. Бўри, тулки, айиқ, йўлбарс, маймун - буларга қандай ном берасиз? Энди ўзингиз «Идишлар» деган гуруҳга мансуб сўзларни айтинг деб топшириқ бериш мумкин.

УМУМИЙ ЖИҲАТНИ ТОП

Мақсад: болаларнинг атрофи олам ҳақидаги билимларини бойитиш.

Ўйин шартига кўра, тарбиячи айтаётган сўзлардаги умумий яқинликни болалар топишлари керак. Нон ва ёғ бу - егулик. Бурун ва кўз, бу - тана аъзолари. Олма ва нок - мевалар. Шерхон ва кит – ҳайвонлар.

БУНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

Мақсад: тарбияланувчиларни мактабга тайёргарлигини текшириш, уларнинг ўқув қуроллари ҳақидаги билимларини бойитиш.

Тарбиячи биронта ўқув қуролини кўрсатади. Масалан, қалам, тарбияланувчилар эса ундан нима мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини айтадилар. Болалар қуйидаги вариантларни

айтишлари мумкин: чизиш, бўяш, ёзиш, кўрсаткич сифатида фойдаланиш.

НИМА ЯХШИ-Ю, НИМА ЁМОН?

Мақсад: болаларни ижобий ва салбий баҳо беришга ўргатиш.

Тарбиячи музқаймоқ-яхши, ёзда салқинлик бахш этади, мазали дейди. Тарбияланувчи эса унинг салбий томонини топади. Масалан, кўп еб қўйса томоқ оғриб касал бўлиб қолиш мумкин. Телевизор-яхши кўрган мультфильмни кўриш мумкин, янги қизиқарли нарсаларни ўрганиш мумкин. Ёмон томони - яқиндан кўрса кўриш қобилиятига салбий таъсир қилиши мумкин.

НИМА ҲАҚИДА ГАПИРЯПМАН?

Мақсад: тарбияланувчиларни топқирликка ўргатиш, таҳлил кила олиш қобилиятини ривожлантириш.

Тарбиячи бирор предмет, мева, сабзавот, ҳайвоннинг белгилари ҳақида гапиради. Тарбияланувчилар эса тарбиячининг нутқидан гап нима ҳақида кетаётганини билиб, ўша нарсанинг номини айтиши керак. Масалан, усиз кунимизни тасаввур қилолмаймиз. Уни нонуштада, тушлиқда, кечқурунги овқатда ҳам еймиз. Яна унга сариёт ҳам суриб еймиз. Ойингиз сизга уни эҳтиёт қилиш кераклигини доим айтади. Бу нима? (Тарбияланувчилар бу нонлигини айтишлари керак). Ўйинда тарбиячи болаларга яқин нарсалар, масалан, шоколад, ўйинчоқ машина, кўфирчоқ, ҳайвонлардан айиқ, қуён, кучук, мушук ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бериши мумкин. Ўйин сўнгида энг фаол бўлган тарбияланувчи рағбатлантирилади.

«А» ҲАРФИГА МОС СЎЗ ТОП

Мақсад: тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш, сўз бойлигини ошириш.

Тарбиячи саватчага ҳарфларни картонга ёпиштирилган ҳолида аралаштириб қўяди. Иштирокчи бола битта ҳарф

танлайди ва айнан ўша ҳарф билан бошланадиган сўзларни айтиши керак. Масалан, А ҳарфини танласа, тарбиячи болага А дан бошланадиган сўз ҳақида айтиб, ёрдам бериши мумкин. Укадан олдин туғилган болани ким деб атаймиз? Ўғил болага қўйиладиган исмлардан бири каби. Ўйин шартига кўра, ҳар бир бола бешта сўз топиб айтиши ва ўша сўзларнинг маъносини ифодалаб бериши зарур.

ЭРКАЛАБ АЙТ

Мақсад: тарбияланувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, уларда ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш.

Ўйин шартига кўра, тарбиячи битта сўз айтади, иштирокчилар эса уни эркалаб айтишлари керак. Ким тарбиячи айтган сўзга мос сўзни тезда топса, голиб ҳисобланади. Масалан, оий - ойижон, мушук - бароқвой, укам – эркатоим, синглим - чаққоним, опам - ғамхўрим, дўстим - меҳрибоним каби.

БУ ҚАЙСИ ҲАЙВОН?

Мақсад: болаларнинг атрофи олам ҳақида билимларини ошириш ва уларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш.

Ўйинни биринчи бўлиб тарбиячи бошлаб беради. У бирор ҳайвон мимикаларини қилади, унга ўхшаб юради, овоз чиқаради. Болалар эса тарбиячи тасвирлаётган ҳайвоннинг номини, унинг уй ёки ёввойи ҳайвон эканлигини, у нималар билан озиқланишини айтиб беришлари керак. Тарбиячидан кейин гуруҳдаги иштирокчилар навбатма-навбат худди шу тарзда ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини ифодалаб берадилар.

БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

Мақсад: болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, савол воситасида суҳбат қилишга ундаш.

Тарбиячи бирорта гап ўқийди, болалар шу гап ҳақиқатан бўлиши мумкинми ёки йўқлигини айтиб беришлари керак. Агар бўлиши мумкин бўлмаса, нима учун мумкинмаслигини

изоҳлаб берадилар. Тарбиячи бу ўйин учун қуйидаги саволлардан фойдаланиши мумкин: дарахтдан роса пишлоқ ёғилди. Ўртоғим қуёшни қўлида кўтариб олибди. Юлдузни сумкамга солиб олдим. Момақалди роқ ҳаммани кўрқитмасин деб уни тортмага солиб қўйдим. Лола гулининг ичидан битта шоколад чиқди. Отнинг бўйнида атиргул ўсиб турган экан.

У БИЗГА НИМАГА КЕРАК?

Мақсад: болаларнинг нутқи ривожланишига ёрдам бериш. Болалар стол устига қўйиб қўйилган буюмлардан биттадан оладилар ва унинг нима учун кераклигини тушунтириб беришлари керак бўлади. Масалан, мен ручкани олдим, у менга ёзиш учун керак. Стол устига дафтар, копток, ўчиргич, рангли қалам, рангли қоғоз, пластилин, стакан, китоб, айиқча ўйинчоғи, қўғирчоқ кабиларни қўйиш мумкин.

ГАП ТУЗ

Мақсад: тарбияланувчиларда сўздан гап туза олиш кўникмасини шакллантириш. Тарбиячи болаларга сўзлар айтади, қайси иштирокчи тайёр бўлса, қўлини кўтариб ўзи тузган гапни айтиши мумкин. Иккита бир хил тузилган гап қабул қилинмайди. Масалан, саватда олма, қизил тарвуз, шоколадли музқаймоқ, мевали пирог, қувноқ мусиқа, қизиқарли китоб.

ОРТИҚЧА СЎЗНИ ТОП

Мақсад: тарбияланувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, уларда ўз фикрини ёрқин ифода қилиш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи болага 3-4 тадан иборат сўзлар кетма- кетлигини ўқийди. Бола ўша қатордаги сўзнинг қайси бири нима учун ортиқчаллигини изоҳлаб бериши керак. Мисол учун қуйидаги сўзлар кетма-кетлигидан фойдаланиш мумкин: сут, творог, қатиқ, банан. Совун, тиш пастаси, шампун, ручка. Қалам,

дафтар, китоб, шафтоли. Соат, дақиқа, сония, телевизор. Кўйлак, юбка, шим, атир. Қошиқ, санчқи, ликопча, қалам.

ОНАСИНИ ТОП

Мақсад: болаларнинг ҳайвонот олами ҳақидаги билимларини бойитиш, уларнинг хотирасини ривожлантириш.

Тарбиячи бирорта ҳайвоннинг номини айтади, болалар эса унинг боласини айтишлари керак. Масалан, туя - бўталоқ, от - тойчоқ, эчки-улоқча.

ҲОЗИР ҚАЙСИ ФАСЛ?

Мақсад: болаларни табиат ҳодисаларини фарқлашга, фасллар ҳақидаги билимларини бойитишга ўргатиш. Уларда топқирликни ривожлантириш.

Болалар ўриндиқда ўтирадилар. Тарбиячи ҳар бир фаслга хос белги ифодаланган бирор матн ўқийди ва болалар бу ҳодиса қайси фаслда бўлишини айтиб берадилар. Масалан: «Биз мазза қилиб чана учдик». Ёки «Биз мазза қилиб кўлда чўмилдик».

Болалар қайси фаслда чана учиш ёки қайси фаслда кўлда чўмилиш мумкинлигини айтиб берадилар.

КИМ КЎПРОҚ ҲАРАКАТЛАРНИ АЙТАДИ?

Мақсад: болаларда диққат ва хотирани ривожлантириш.

Тарбиячи савол беради, болалар эса жавоб қайтараётганда иложи борича кўпроқ ҳаракат номини айтишлари талаб қилинади. Мисол учун: гулларни нима қилиш мумкин? (ҳидлаш, узиб олиш, совға қилиш, баргини артиб қўйиш). Боғбон нима қилади? (боғни парвариш қилади, гулларга сув қуюди, дарахтлар ва кўчатлар экади, ўтларни юлади).

НИМА УЧАДИ?

Мақсад: тарбияланувчиларнинг ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ҳақидаги билимларини бойитиш.

Болалар айлана шаклида турадилар. Уларнинг орасидан бир бола ўртага чиқади ва бирор буюм ёки қуш номини айта туриб иккала қўлини тепага кўтаради. Агар у қуш номини айтса, қолганлар ҳам иккала қўллари тепага кўтарадилар. Борди-ю, буюм номини айтса, унда кўтармайдилар. Ким янглишса, ўйинни тарк этади.

УЧИНЧИСИ ОРТИҚЧА

Мақсад: болаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни мева ва сабзавотни фарқлашга ўргатиш.

Тарбиячи сўзлар айтади, болалар ушбу сўзлардан қайси бири ва нима учун ортиқчалигини айтиб беришлари керак. Масалан: олма, нок, сабзи. Шолғом, қулупнай, ўрик.

БУ ҚАЧОН БЎЛАДИ?

Мақсад: болаларнинг вақт ҳақидаги билимларини бойитиш, хотирасини ривожлантириш.

Тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўйилган эрталаб, тушликда, оқшом ва кечқурун сўзларини навбати билан кўрсатади. Болалар эса тарбиячи кўрсатган сўзга мос ҳаракатларни айтиб беришлари керак. Мисол учун, эрталаб деган ёзувга болалар тишимизни ювамиз, нонушта қиламиз, боғчага келамиз каби мисолларни айтишлари мумкин.

СУРАТДАН ЎРГАНАМИЗ

Мақсад: болаларга мева ва сабзавотларнинг фарқини ўргатиш.

Тарбиячи бўлақларга бўлинган мева ва сабзавот суратларини столга аралаштирган ҳолда қўяди. Тарбияланувчи мева ёки сабзавотнинг кесилган қисмини ўрнига қўяди ва унинг нима эканлигини, ўзига хос хусусиятини айтади. Масалан, бу олма, у қизил рангда, унинг мазаси ширин. Бу бодринг у сабзавот, ранги яшил, у серсув бўлади. Бу ўйинда эртак қаҳрамонлари ва ёввойи ҳайвонлар суратларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

ЖУФТИНИ ТОП

Мақсад: тарбияланувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, уларнинг хотирасини мустаҳкамлаш.

Тарбиячи турли мева, сабзавот, нарса ва буюмларни столга шундай жойлаштирадики, ундаги битта нарса ортиқча бўлади. Боланинг вазифаси ўша ортиқча нарсанинг нималигини топиш ва нима учун ортиқчалигини изоҳлаб беришдан иборат. Нарсаларни қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкин. Олма, ўрик, ручка. Туфли, китоб, дафтар. Бола эса олма ўрик мева эканлиги, ручка буюмлигини, мевалар дарахтда ўсишини изоҳлаб беради. Ўйинда яна гулли тарелка, стакан қошиқ; чизиқчали тарелка, стакан қошиқ; яшил рангдаги тарелка, стакан, қошиқнинг суратини қўйиб, уларнинг ўз жуфтини топишни сўраш мумкин.

ҚЎҒИРЧОҚНИ САЙРГА КИЙИНТИРАМИЗ

Мақсад: кийиниш қоидалари, мавсумбоп кийим танлаш зарурлигини тушунтириш.

Тарбиячи томонидан турли фаслга мос кийимчалар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Болалар тўрт гуруҳга бўлиниб, уларга қўғирчоқни тўрт фаслга мослаб кийинтириш вазифа қилиб берилади. Ҳар бир гуруҳ ўзи кийинтирган қўғирчоқни нимага бундай кийим кийганини тушунтириб беради.

ҚАЙСИ ЎЙИНЧОҚ ЕТИШМАЯПТИ?

Мақсад: хотира ва диққатни ривожлантириш.

Тарбиячи стол устига бир нечта ўйинчоқларни қўяди. Тарбияланувчи уларга диққат билан қарайди ва орқага ўгирилиб кўзини юмиб туради. Болалардан бири стол устидаги ўйинчоқлардан бирини олиб қўяди, биринчи тарбияланувчи эса айнан қайси ўйинчоқ етмаётганини айтиши керак.

МЕНИНГ ТИЛАГИМ

Мақсад: тарбияланувчиларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш, уларнинг сўз бойлигини ошириш.

Ўйинни тарбиячи бошлаб беради. У «Мен Азизага саломатлик тилайман» мисолини айтади. Кейинги бола эса «Мен Акбарга яхши кайфият тилайман» дейиши мумкин. Ўйин гуруҳдаги барча болалар бир-бирига ижобий сўзлар айтиб бўлганидан сўнг тугайди. Бир марта ишлатилган гап иккинчи марта ишлатилмаслиги керак.

КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Мақсад: тарбияланувчиларни ҳайвонот дунёси ҳақидаги билимларини ошириш, уларнинг сўз бойлигини қўпайтириш.

Ўйиннинг бориши: тарбиячи картондан ясалган қуённи олади ва унинг коптоғи сувга тушиб кетганини, энди унга ким ёрдам бериши мумкинлигини сўрайди. Болалар ўзларининг тахминларини айтадилар. Энди тарбиячи қуёнвойнинг саҳрога келиб қолганини ва кетишга қийналаётганини айтади. Болалар қуёнвойга чўлда айнан қайси ҳайвонлар ёрдамга келишини айтиб беришлари керак.

ҚАЙСИ РАНГДА?

Мақсад: болаларни мантиқий фикрлашга, рангларни тўғри ажратишга ўргатиш.

Иўлбарс, жирафа ва зебра турли рангдаги уйларда яшашади. Иўлбарс қизил ҳам, кўк ҳам уйда яшамайди. Зебранинг уйи эса қизил ҳам, яшил ҳам эмас. Жирафанинг уйи қандай рангдалигини топинг.

ЯХШИМИ ЁМОН?

Мақсад: тарбияланувчиларда табиат ва ҳайвонот оламига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш тушунчасини шакллантириш.

Тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўйилган суратларни стол устига тескари қилиб тахлаб қўяди. Суратларда болаларнинг атроф-оламга нисбатан қилган ножўя хатти-ҳаракатлари акс эттирилган бўлади. Ҳар бир иштирокчи суратни олиб, унда нима тасвирланганини ва бу иш яхши ёки ёмонлигини айтиб

бериши керак. Масалан, дарахт шохини синдирган яхшими ёки ёмон? Гулларга сув қуйган яхшими ёки ёмон? Ерга музқаймоқ қоғозини ташлаган яхшими ёки ёмон? Мушукни қийнаган яхшими ёки ёмон? Ким суратни энг тўғри ва батафсил тасвирласа, тарбиячи томонидан рағбатлантирилади.

ҚОПДА НИМА БОР?

Мақсад: болаларда чамалаш, солиштириш, таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш. Ўйин шартига кўра, ҳар бир бола тарбиячи ёнига келади. Тарбиячи кичкина қопчага солинган нарсанинг белгиларини айтади. Тарбияланувчи эса шу белгиларга қараб қопчанинг ичида нима борлигини айтиб бериши керак. Масалан, қизил рангда, юмшоқ нарса, одатда, унга бодринг қўшиб салат тайёрланади.

МАШИННИ ИЮРГИЗАМИЗ

Мақсад: тарбияланувчиларни Р ҳарфини тўғри айтишга ўргатиш.

Логопед стол устига ўйинчоқ машиналар қўяди ва улар юрадиган йўлнинг суратини чизиб беради. Болаларга эса битта машина жуда ҳам чарчаганлиги ва юришга қийналганлиги учун «р-р-р-р-р» деб унинг юришига ёрдам бериш кераклигини айтади. Болакай «р-р-р-р-р» дейиш билан бирга, ўша машинани қоғозда чизилган йўналиш бўйлаб ҳаракатлантириши керак.

«Л» ВА «Р» ГУРУҲИ

Мақсад: болаларни қайси жойда Л ва қайси жойда Р ҳарфини ишлатиш зарурлигига ўргатиш.

Гуруҳ болалари иккига бўлинади ва ҳар иккала гуруҳ аъзолари бири Л ҳарфи иштирок этган, иккинчиси эса Р ҳарфи қатнашган сўз айтиши керак. Ким сўз айтишда тўхтаб қолса, ютқазган ҳисобланади ва ўйинни кейинги гуруҳдаги иштирокчи давом эттиради.

БИЛИМДОН БОЛАЛАР

Мақсад: болаларни товушларни тўғри айтишга ва ҳозиржавобликка ўргатиш.

Болаларга олдиндан тайёрлаб қўйилган суратлар кўрсатилади. Иштирокчи суратни олади ва унда кўрсатилган нарсанинг номини айтади. Ҳар бир суратда албатта Р, Л ҳарфи ишлатилган нарсалар тасвирланган бўлади. Масалан, қулупнай, стул, футбол, олма, байроқ, жўхори, помидор, светофор, ракета, арра, карам, малина, бола, қурувчи, дурадгор, шакар.

ЎЙЛА ВА ТОП

Мақсад: тарбияланувчиларни фикрлашга ўргатиш, уларнинг нутқини ривожлантириш.

Ушбу ўйинда болага нима сакрайди, нима югуради, нима маърайди каби саволлар берилади ва жавоб олинади.

БЕШГАЧА САНА

Мақсад: болаларга сонларни қизиқарли усулларда ўргатиш.

Болаларга бирор сабзавотнинг номи айтилади. Уларга ушбу маҳсулотни бештагача санаш тақлиф этилади. Битта бодринг, иккита бодринг, учта бодринг, тўртта бодринг, бешта бодринг каби.

ХАТОЛИК БОРМИ?

Мақсад: Болаларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, уларни таҳлил қилиб қобилиятини ривожлантириш.

Тарбиячи болалардан хатоларни тўғрилашини сўрайди. Бунда қуйидагича гаплар келтирилиши мумкин. Олмазорда нок пишди. Онам картошкали мураббо тайёрлади. Апельсин ва мандарин сабзавот ҳисобланади. Картошка қишда экилади. Кучук қаттиқ миёвлайди.

ТОПИЛМАЛАР ИДОРАСИ

Мақсад: тарбияланувчиларда тасаввур қилиш, ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш.

Катталар болалардан ўзлари йўқотган предметни топишни сўрайди. Бунда ушбу буюм изоҳлаб, тасвирлаб берилади.

Масалан, бу жиҳоз думалоқ шаклга эга, уни сакратиш мумкин, илиб олиш ва отиш мумкин. Бу нима?

ТЕСКАРИСИНИ ТОП

Мақсад: болаларни фикрлашга, таққослашга ўргатиш.

Болалар берилган сўзнинг тескарисини топишлари керак бўлади. Масалан, ширин-аччиқ, хурсанд-хафа, катта-кичкина, кенг-тор, кучли-кучсиз.

НИМА ОРТИҚЧА?

Мақсад: сабзаёт, мева, идиш ва мебелнинг фарқини ажратишга ўргатиш.

Тарбиячи предметларнинг номини кетма-кет санайди ва болалар улар ичидан ортиқчасини топишлари керак. Помидор, карам, бодринг, олма. Пиёла, қозон, това, диван. Мушук, сигир, кучук, айиқ. Муз, бўрон, қор, иссиқ. Печений, торт, вафли, қошиқ.

САЁҲАТГА БОРАМИЗ

Мақсад: болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш, уларда бошқаларни ҳис қила олиш, ҳамдардлик кўникмаларини шакллантириш. Тарбияланувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, ўз фикрини эркин баён етиш кўникмасини шакллантириш. Тарбияланувчилар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳдаги болалар саёҳатга бориш учун ўзлари ёқтирган ўйинчоқларни йиғадилар. Гуруҳдаги стуллардан поезд ҳам яшаш мумкин. Сафарга кетаётганлар қолаётганлар билан хайрлашади. Поезд кетиш кўнғироғини чалади. Тарбиячи болаларга қуйидаги топшириқларни бериши мумкин: Ойингиз дам олиш масканига кетяпти. Сиз ҳозир у билан хайрлашинг. Дўстингизга бугун боғчада кунингиз қандай ўтганини айтиб беринг. Сўзингиз якунида дўстингизга аталган яхши тилаклар бўлсин. Ёзнинг бир ойини бувингизникида ўтказмоқчисиз. Ота-онангиз билан хайрлашинг. Уларга қандай гапларни айтасиз? Ойингиз ишга шошилиб турибди,

бу ҳолатда унга нималар дейсиз? Келинг, ота-онамиз ишдан қайтишига тайёргарлик кўрамиз. Хўш, уларни қандай кутиб оламиз? Уйқу олдидан оила аъзоларингизга нималар дейсиз?

МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛАМИЗ

Мақсад: болаларни меҳмон кутишнинг ўзига хос қоидалари билан таништириш, бунда фаол мулоқот воситаларидан фойдаланиш, меҳмондўстлик хислатини шакллантириш.

Эртақлар оламининг машҳур қаҳрамонлари мовий ранг вертолётда гуруҳга меҳмонга келишади. Улар орасида Буратино, Зумрад ва Қиммат, Кенжа ботир, Қизил қалпоқча сингари қаҳрамонлар бор. Уларнинг ёши ва кўриниши турлича бўлгани сабаб ўзига мос тарзда кутиб олиш лозим. Меҳмонларни кутиб олиш жараёнида мимика, қўл ҳаракатларидан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш сўралади: меҳмоннинг юзига очиқ чеҳра билан қараш; бошини бироз эгган ҳолда табассум қилиш. Ўйин давомида келган меҳмонлар турли давлатлардан бўлиши ҳам мумкин. Бунда болаларга қаҳрамон мансуб бўлган халқ тилида саломлашиш ўргатилади.

НИМА ҚАЕРДА?

Мақсад: болаларга олдинда, орқада, ўнгда, чапда, тепада, пастда, ўртада деган сўзларнинг маъносини мисоллар орқали тушунтириш.

Тарбиячи ўйинчоқларни хонанинг турли жойларига қўйиб чиқади. Кейин эса болалардан қайси ўйинчоқ қаерда турганлигини сўрайди. Масалан, айиқполвон қайси томонда, қўғирчоқ тепадами ёки пастда, машина ўнгдами ёки чапда каби саволларни беради. Тарбияланувчилар ўйинчоқларни топиш асносида уларнинг қаерга қўйилганини ҳам айтиб беради. Ўйин гуруҳдаги ҳамма болалар ўйинчоқларни топиб, уларнинг қаердалигини айтгунича давом этади.

КЎПМИ КАМ?

Мақсад: тарбияланувчиларга «кўп», «кам», «битта», «кўпроқ» каби сўзларнинг маъносини мисоллар орқали тушунтириш. Тарбиячи болалардан хонада нима кўп, нима камлигини сўрайди. Мисол учун: стуллар кўп, стол битта. Китоблар кўп, доска битта каби сўзлар билан бола хонадаги нарсаларни бир-бирига солиштиради.

РАҚАМНИ ТОП

Мақсад: болаларга биринчи ўнталиқ рақамларни ўйин ёрдамида ўргатиш.

Ўйин қизиқарли бўлиши учун болалар икки гуруҳга бўлинади. Қайси гуруҳ иштирокчилари кўпроқ тўғри жавоб айтса, ўша гуруҳ ғолиб саналади. Саволлар эса қуйидагича кўринишда бўлади: Қайси рақам учдан катта, бешдан кичик? Қайси рақам учдан кичик аммо бирдан катта? Еттидан катта, тўққиздан кичик рақам қайси? Еттидан кичик, бешдан катта рақам қандай аталади?

ОЛМАХОНГА ЁНҒОҚ, ҚУЁНГА САБЗИ

Мақсад: болаларда санаш кўникмасини шакллантириш, ўйин орқали уларни математикага қизиқтириш.

Тарбиячи ўнта олмахон ва ўнта қуён ўйинчоғини стол устига қўяди. Уларнинг ёнига бешта сабзи, еттита ёнғоқ қўяди. Ўйин шартига кўра, болалар ҳар бир олмахон сонига яраша ёнғоқ ва қуён сонига яраша сабзи ажратишлари керак.

КИЙИМДАГИ РАНГЛАРНИ ТОП

Мақсад: болаларни сезгирлик, чаққонликка ўргатиш, рангларни ажрата олиш қобилиятини ривожлантириш.

Болалар хонадаги гиламга оёқларини узатган ҳолда ўтирадилар. Тарбиячи болаларга бирорта ранг айтади, болалар ана шу рангни ўз кийимларидан топишлари керак. Агар кимнинг кийимида айтилган ранг бўлмаса, у қўлини юқорига кўтаради. Уч мартадан кўп қўл кўтарган бола ўйиндан чиқиб кетади.

АДАШМА

Мақсад: тарбияланувчилар хотирасини, майда қўл моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи ва болалар доира шаклида ўтириб олишади. Тарбиячи болалардан 1 дан 5 гача бўлган сонларни санагини сўрайди. Ўйин шартига кўра, болалар қўлларини тепага кўтарган ҳолда тарбиячи айтган сонларни бармоқлари ёрдамида кўрсатадилар. Тарбиячи сонларни кетма-кетликда эмас, аралаш қилиб айтади. Масалан: 1, 4, 2, 5, 3, 3, 5, 2, 4, 1 каби. Ўйинда ким адашиб айтилган сонни эмас, бошқасини кўрсатса, ўйинни тарк этади.

ЭСЛАБ ҚОЛ

Мақсад: болаларда хотирани ривожлантириш, ўқув куруллари номини ўргатиш.

Болаларни иккита жамоага бўлиб оламиз. Кейин уларга сўзларни кетма-кетликда айтамыз. Масалан, қоғоз, қалам, елим, пластилин, ручка. Бола сўзларни айнан тарбиячи айтганидек кетма-кетликда айтиши керак. Кимдир тартибдан адашса, ўйиндан чиқиб кетади. Қайси жамоада кўп иштирокчи қолса, ана ўша жамоа ғолиб бўлади.

МЕН КИММАН?

Мақсад: болаларда эшитиш қобилиятини ривожлантириш, диққатни жамлашга ўргатиш, жамоа бўлиб ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Тарбияланувчилар болалар майдончасига чиқишади. Гуруҳдан бир бола ажратиб олинади, қолганлари эса ярим айлана шаклида боланинг орқасида туришади. Танлаб олинган боланинг қўлида копток бўлади. Болаларга тескари қараган ҳолда қўлидаги коптокни орқага ирғитади. Коптокни илиб олган бола «Мен кимман?» деб сўрайди. Коптокни иргитган бола овоз эгасини топса, ғолиб ҳисобланади. Ўйин барча иштирокчиларнинг бирма-бир копток ирғитиши билан давом этади.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Мақсад: тарбияланувчиларда чамалаш, солиштириш кўзи боғланган ҳолда нарсаларни пайпаслаб топиш кўникмаларини шакллантириш, сўз бойлигини ошириш.

Стол устига тугмача, кубик, олма, қалам, ручка, бўр, бодринг каби предметлар иккитадан бир-биридан узоқда аралаш ҳолда жойлаштирилади. Болалар кўзи боғланган ҳолда стол устидаги нарсаларни ушлаб, ҳидлаб кўргач, унинг номини айтадилар. Масалан, «Бу бодринг, сабзавот, яшил рангда, шакли узунчоқ, ойижоним ундан салатлар тайёрлайди». Қолган иштирокчилар ҳам, худди шу тарзда ўйинни давом эттирадилар. Фақат стол устига қўйилган предметлар ҳар тўртта иштирокчидан кейин алмаштирилади. Ўйин якунида барча предметларни хатосиз топган ва тўғри, тез таъриф берган тарбияланувчи тарбиячи томонидан рағбатлантирилади.

МЕН МУХБИРМАН

Мақсад: болаларда сўз бойлигини ошириш, тўғри савол бериш кўникмасини шакллантириш, ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш.

Тарбияланувчилар бир нечта гуруҳга бўлинади ва улар учун ўзлари яхши биладиган мавзу танланади. Масалан, «Менинг кун тартибим», «Менинг ўйинчоқларим», «Менинг дўстларим» каби мавзуларни танлаш мумкин. Иштирокчилардан бири, яъни «меҳмон» хонанинг ўртасига ўтиради, қолганлари эса унга навбатма-навбат савол беришади. Бу жараёнда ҳар бир гуруҳ ўзи танлаган номдан келиб чиққан ҳолда савол беради. Масалан, «Сизнинг дўстларингиз кўпми?», «Дўстлар кўп бўлиши учун нима қилиши керак?», «Энг яқин дўстингиз ҳақида гапириб беринг», деб мурожаат қилади. Шу тариқа ўйинни давом эттиради.

НИМА ЎЗГАРДИ?

Мақсад: болаларга геометрик шакллар ҳақида тушунча бериш.

Тарбиячи доскага айлана, овал, учбурчак, тўртбурчак шакллари ёпиштириб қўяди. Болажонлардан бири унга қарайди, сўнг кўзини қўллари билан ёпади. Тарбиячи шакллардан бирини доскадан олиб, қолганларининг жойини алмаштириб қўяди. Тарбияланувчи айнан қайси шакл йўқолганини топиши керак бўлади. Бу ўйинни сонлар мисолида ҳам олиб бориш мумкин. Масалан, тарбиячи доскага бирдан ўнгача бўлган рақамларни тартиб билан жойлаштиради. Болалар унга қараб санаб беришгач, тарбиячи рақамлардан бирини олиб қўяди. Болалар қайси рақам йўқолганини айтиб беришлари шарт.

ЭШИТГАНИНГНИ ЁЗ

Мақсад: тарбияланувчиларда эшитиш ҳамда математик қобилиятни ривожлантириш.

Тарбиячи барабанга бир, икки, уч ёки беш марта уради. Бола эса ҳар урилган зарбни эшитиб ҳисоблайди ва унинг нечта эканлигини доскага ёзиб беради.

ТЕСКАРИ САНА

Мақсад: болаларда санаш қобилиятини ривожлантириш.

Тарбиячи ва тарбияланувчилар доира шаклида туриб оладилар ва улар ўндан бошлаб тескари санайдилар. Биринчи бола ўн дегач тўққиз деган болага қараб копток улоқтирилади. Сўнг саккиз деганига яна улоқтирилади. Ўйин шу тариқа давом этади.

ЎРНИГА ҚЎЙ

Мақсад: болаларда хотирани ривожлантириш, уларда топқирлик кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи тарбияланувчилардан лycopчaгa coлинган нарсалар сонига қараб ўша сон ва рақамларни ручка ёрдамида илмоқ қилиб бирлаштиришни сўрайди.

ДЎКОНДА

Мақсад: тарбияланувчиларнинг эшитиш ва нутқ қобилиятини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: тарбиячи сотувчи, болалар эса харидор ролини ўйнашади. Сотувчи харидор бирор нарсанинг айнан номи эмас, балки бош ҳарфи билан айтганидан кейин олиб беради. Масалан, қалам эмас, қ, дафтар эмас, д, коса эмас, к каби.

ЎЗИНГ ЯКУНЛА

Мақсад: Болаларнинг эслаб қолиш қобилиятини ривожлантириш.

Тарбиячи болаларга савол беради, тарбияланувчилардан ким тайёр бўлса, ўша жавоб беради. Масалан, сўз бошида ва охирида а ҳарфи иштирок этадиган сўз айтинг. Болакай Азиза, алоқа деб жавоб бериши мумкин. Сўз бошида а, охирида о ҳарфи билан тугайдиган сўзга мисол айтинг деб сўраш ҳам мумкин. Тарбияланувчи эса аъло, аммо каби сўзларни айтиши мумкин.

АВТОБУС

Мақсад: болаларнинг эшитиш қобилиятини кучайтириш.

Ўйиннинг бориши: болалар стулда ўтирадилар ва уни автобус деб тасаввур қиладилар. Тарбиячи уларга турли нарсаларнинг суратларини тарқатади. Болаларнинг вазифалари а ва б ҳарфи иштирок этган суратларни бир болага бериб қолганларини гуруҳдаги қутичага солишдан иборат. Автобус ўша ҳарфлар иштирокидаги суратлар йиғилганидан кейингина юра олади деб уқтирилади. Автобус юрганида эса болалар бип-бип-бииип деб кўчада кетаётган йўловчини огоҳлантирадилар.

ЎЗИМ ТОПАМАН

Мақсад: болаларнинг нутқ қобилиятини ошириш, уларни равон гапиришга ўргатиш.

Тарбиячи бирор сўз айтади, тарбияланувчи эса ўша сўзга мос сўз айтиши керак. Масалан, қуёш - иссиқ, сув - ҳўл, конфет - ширин, тун - қоронғи, оқ - оппоқ, кийим - кўйлак, олма - мева, сабзи - сабзавот, баҳор - фасл, нон - булочка каби.

ОХИРГИ ҲАРФНИ АЙТ

Мақсад: болаларда эшитиш ва гапириш қобилиятини ривожлантириш, уларни таққослашга ўргатиш.

Тарбиячи сўзларни охириги ҳарфини айтмасдан ўқийди, тарбияланувчи эса унинг охириги ҳарфи билан билан биргаликда айта олиши керак. Масалан, кара., олхўр., мушу., кучу., лавлаг., дана., хурм., кўка., мандари., зир., помидо., бодрин., шафтол., малин., хазин., пиё., дарах., тову., лол., атиргу.

ТЕЗ АЙТ

Мақсад: тарбияланувчиларни топқирликка ўргатиш.

Тарбиячи битта сўзнинг ярмини айтиб, коптокни тарбияланувчиларга отади. Коптокни илган болакай ўша сўзнинг ярмисини тўғри айтиши керак. Масалан, ги-лам, шоко-лад, да-да, коп-ток, қў-ғир-чоқ, ай-иқ-ча, май-мун каби сўзлардан фойдаланиш мумкин.

КИМ ҚАЕРДА ИШЛАЙДИ?

Мақсад: тарбияланувчиларда ким қаерда ишлаши ҳақида тасаввур уйғотиш.

Тарбиячи бирор касб номини айтади, болалар эса унинг қаерда ишлашини топишлари керак. Масалан, тарбиячи - боғчада, ҳисобчи - корхонада, ўқитувчи - мактабда, ошпаз - ресторанда, шифокор - шифохонада.

ҚАРСАК ЧАЛ

Мақсад: болаларни тез жавоб беришга, зийракликка ўргатиш.

Тарбиячи бирор касбнинг номини ва ҳаракатлар номини айтади. Тарбияланувчилар айтилаётган касб ва ҳаракатлар

тўғри бўлса, қарсак чаладилар, бордию, нотўғри бўлса, унда қарсак чалмайдилар.

Масалан, шифокор қайчини олиб сочларни қирқди, тикувчи дарс ўтятипти, ошпаз овқат пиширапти, боғбон компьютер тузатипти, тез ёрдам ёнғинни ўчирипти, ўқитувчи дарс ўтятипти, дурадгор кўйлак тикипти.

АГАРДА...

Мақсад: тарбияланувчиларни турли соҳа вакилларига нисбатан ҳурмат уйғотиш, уларни барча касбларга қизиқтириш.

Тарбиячи битта гапни бошлайди, тарбияланувчи эса уни давом эттириши керак. Масалан,

Агар ўқитувчилар бўлмаганида...

Агар тиш шифокори бўлмаганида...

Агар қоровуллар бўлмаганида...

Агар ҳайдовчилар бўлмаганида...

КИМ КЎПРОҚ БИЛАДИ?

Мақсад: болаларга касблар ҳақида маълумот бериш, қайси соҳа вакили қандай иш қилишини айтиш.

Тарбиячи аввал ўзи ҳақида қуйидагича гапириб беради. Мен боғчада тарбиячиман. Бу менинг касбим. Мен сизларга ўзингизни қандай тутиш кераклигини ўргатаман, расм чизиш, шеър айтишни ўргатаман, сизлар билан бирга сайр қиламан, сизларга турли ҳикоялар айтиб бераман. Менинг касбим сизларни тарбиялашдан иборат. Ошхонада овқат тайёрлайдиган Малоҳат опанинг касби эса ошпазлик. У овқатлар тайёрлайди. Хўш, сизлар яна қандай касбларни биласизлар? (Болаларнинг жавоблари тингланади.) Жуда яхши, энди эса ким нима қилишини аниқлаб оламиз.

Шифокор - беморларни даволайди, қурувчи - бино қуради, дизайнер - турли дизайнлар чизади.

ТОПГАН ТОПАЛОҚ

Мақсад: болаларда мантикий фикрлаш, хотира, нутқ қобилиятини ўстириш, уларни ҳозиржавобликка ўргатиш.

Ўйин шартига кўра, тарбиячи бирор гап айтади, тарбияланувчилар эса ўша гапни мантиқан тўғри давом эттиришлари керак.

У ёнғин чиққанида ёрдамга келади, демак, у (ўт ўчирувчи).

Кўм-кўк осмонда учувчи юқорига нимада кўтарилди? (самолётда).

Дурадгор нималар ясайди? (эшик, дераза, мебел).

Бугун мен кўғирчоғимга укол қилиб қўйдим, демак, бугун мен (ҳамшираман).

Мактабда ишлайдиган инсонлар ким деб аталади? (Устозлар)

Сочларимизни қирқиб, бизни чиройли қилиб қўядиган усталар (сартарош).

У ҳар куни бизга хатларни олиб келиб беради. Демак, унинг касби (почтачи).

У ширинликлар пиширади, демак, у (қандолатчи).

Ҳамма уни пазанда деб атайди, у турли таомларни мазали қилиб пиширади (ошпаз).

У боғчада болаларга қарайди, машғулотлар ўтади (Тарбиячи)

У кўп ҳисоб китоб қилади, демак, у (ҳисобчи).

Ҳар хил кўйлақларни тикадиган одам (тикувчи).

Уйлар, биноларни қуришдан олдин уларнинг суратини чизадиган одам (архитектор).

ТЕЗ ЖАВОБ ТОП

Мақсад: тарбияланувчиларни ўйин орқали мантикий фикрлашга, таҳлил қилишга ўргатиш, касбга қизиқишларини ошириш.

Тарбиячи аввалдан тайёрлаб қўйилган карточкадаги сўзларни ўқийди, болалардан маъно жиҳатидан мос келадиган сўзларни топиш сўралади. Ким кўп жавоб берса, ўйин охирида рағбатлантирилади. Бодринг- сабзавот. Лола...

Нонушта-эрталаб.Тушлик-... Ўқитувчи-мактаб. Китоб-... Қорқиш. Ёмғир-... Ака-ука. Опа-... Балиқ-сув. Қуш-...

ҚАРАМА-ҚАРШИ

Мақсад: болаларда таққослашга, чамалашга ўргатиш, уларнинг сўз бойлигини ошириш.

Бу ўйинда тарбиячи сўзларни ўқийди, бола эса тескари маъносини топади. Айнан ўзи топган сўз иштирокида гап тузиши ҳам мумкин.

Масалан: Оқ-қора. Катта -... Семиз -... Кенг-... Ақлли -... Яхши -... Қувноқ-

КАСБЛАРНИ ЎРГАНАМИЗ

Мақсад: болаларда касбларга нисбатан қизиқиш уйғотиш, ҳар бир касб ҳақида тушунча бериш.

Бола саволни танлайди, тарбиячи ўша саволни ўқиб эшиттиради. Тарбияланувчи саволга бир дақиқа давомида жавоб бериши керак.

Таомни ким тайёрлайди?

Ким уй қуради?

Ким шеър ёзади?

Ким болаларни даволайди?

Ким машина ҳайдайди?

Ким кийим тикади?

Ким сурат чизади?

ФИГУРАЛАР НИМАГА ЎХШАЙДИ?

Мақсад: тарбияланувчиларнинг геометрик фигуралар ҳақидаги тасавурларини бойитиш.

Тарбиячи аввалдан тайёрлаб қўйилган геометрик шаклларни стол устига қўяди ва боладан ўша шаклнинг жуфтини топишни сўрайди. Бола учбурчакни учбурчак ёнига, айланани айлана ёнига, тўртбурчакни тўртбурчак ёнига қўяди. Тарбиячи ҳар бир шакл нимага ўхшашини айтади. Масалан, тўртбурчак ғиштга, учбурчак эса уй томига, овал тухумга, бешбурчак юлдузга ўхшайди. Айни нарсаларнинг

суратини аввалдан тайёрлаб болага сурат орқали изоҳ берилса, бу нарса боланинг хотирасида узоқ сақланади.

“ГИЛАМНИ ЯМАШ” ЎЙИНИ

Мақсад: болаларда геометрик фигуралар ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, уларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи тарбияланувчиларга Зумрад боққа кетганида Қиммат унинг гиламини кесиб ташлабди. Қани, кесилган жойга қандай шакл мос келади, шунини аниқлаб, Зумрад келгунича уни ўз жойига елим ёрдамида ёпиштириб қўйлик, дейди. Болалар олдиндан тайёрлаб қўйилган тўртбурчак ватман қоғозидаги ўйиқларни қўлларидаги шакллар ёрдамида ямайдилар.

КИМНИНГ ДУМИ УЗУНРОҚ?

Мақсад: болаларнинг шакл ҳақидаги тасаввурларини ўстириш, нутқини ривожлантириш.

Эшик тақиллаб хонага айиқ, қуён, маймун, мушук ниқобидаги ҳайвонлар кириб келади. Ўйин шартига қўра, болалар қайси ҳайвоннинг думи узунроқ эканлигини, ҳайвоннинг рангини, ўзига хослигини айтиб таъриф беришлари керак.

ЎСАДИГАН ТАЁҚЧА

Мақсад: тарбияланувчиларнинг мўлжал олиш кўникмаларини ривожлантириш.

Болаларга аввалдан тайёрлаб қўйилган тахта таёқчалар берилади. Болалар уни ўсиб борувчи шаклда столга қўя билишлари керак. Шартни тўғри бажариш учун ҳар гал узунроқ тахтачани танлашга тўғри келади. Ким вазифани биринчи бўлиб бажарса, тарбиячи томонидан рағбатлантирилади.

ОРТИҚЧА СЎЗНИ ТОП

Мақсад: болаларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, уларда таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш.

Тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўйилган сўзларни айтади, тарбияланувчилар эса қайси сўз нима учун ортиқчалигини изоҳлаб беришлари керак бўлади. Қошиқ, тарелка, қалам. Совун, тиш чўткаси, олма. Ёз, соат, дақиқа. Кўйлак, конфет, шим. Қулупнай, пуфак, малина.

ЎЗИНГ ТОП

Мақсад: болаларда хотирани ривожлантириш.

Бунда тарбиячи бирор гуруҳнинг номини айтади, тарбияланувчи эса ўша гуруҳга тегишли сўзларни топиши керак. Тарбиячи шундай дейиши мумкин: Уй ҳайвонларининг номини айт. Сабзавотларга оид сўзларни топ. Ер ости транспортига оид сўзларни айт. Ер усти транспортига тегишли сўзларни айт. Ёввойи ҳайвонларни санаб бер.

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТ

Мақсад: тарбияланувчиларда таҳлил қила олиш кўникмасини шаклантириш.

Тарбиячи томонидан айтилганларни болалар битта сўз билан айтишлари керак.

Масалан, олма, нок, узум, шафтоли, мевалар.

Азиза, Гулноза, Фазилат, Заҳро - ...

Стол, стул, кресло -...

Баҳор, ёз, куз, қиш -...

Стакан, вилка, пиёла -...

Бир, икки, уч, тўрт -...

ТЎҒРИ ТАЪРИФ БЕР

1. **Мақсад:** болаларда чамалаш, тасаввур қила олиш кўникмаларини ривожлантириш.

Тарбиячи сўз айтади, бола эса ўша сўзга мос таърифни айтиб бериши керак. Масалан, ой - думалоқ.

Ўт -...

Стол -...

Ўйин -...

Куёш -...

Шоколад -...

2. **Мақсад:** тарбияланувчиларда хотирани кучайтириш, уларнинг сўз бойлигини ошириш.

Уйин шартига кўра, тарбиячи болаларга бирор сўз айтади, иштирокчилар эса ўша сўзга мос ҳаракатни айтиб бера олишлари керак. Масалан, қайчи - кесиш, китоб - ўқиш каби.

Пиёла -... Бўёқ -... Совун -... Дазмол

Елим -... Бурун -... Сумка -...

ҚИЗИЛ ТИМСОҲ

Мақсад: тарбияланувчиларни таҳлил қилишга ўргатиш, тасаввурини бойитиш.

Иккита тимсоҳ сузиб кетаётган эди. Уларнинг бири қизил, иккинчиси кўк рангда. Қайси рангдаги тимсоҳ тезроқ сузади? (Болалар тимсоҳнинг тез сузишига унинг тана рангининг алоқаси йўқлигини айтиб беришлари керак).

ДАРАХТ ВА ТАРВУЗ

Мақсад: болаларни сабзавот ва меваларнинг фарқини ажратишга ўргатиш.

Болажонлар, тарвузни дарахтдан қандай қилиб тез узиб олиш мумкин? (Болалар тарвуз дарахтда эмас, полизда ўсишини айтишлари керак).

ХАТОИМНИ ТОП

Мақсад: болаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини кучайтириш.

Тарбиячи болаларга кетма-кетликда гап ўқийди, болалар эса қайси гапда хато борлигини ва нима учун хатолигини айтиб беришлари керак.

Ёз келди. Комилжон бундан жуда хурсанд бўлиб, дарров чанасини олиб чиқди. Малика эса бошига қалпоғини кийиб олди. Феруза тарвузни совиб турсин деб, сув тагига қўйиб қўйди. Маҳмуд ариқ бўйида қўлқопини кийиб олиб

чўмилди. (Тарбияланувчилар гаплардаги хатоларни тўғрилаб айтишлари керак).

ЎЗИНГ ИЗЛА

Мақсад: тарбияланувчиларни катта ва кичик тушунчаларини фарқлашга ўргатиш.

Агар Акром Маликанинг укаси бўлса, демак, у Маликадан ... (кичик). Азиза Моҳиранинг опаси бўлса, демак, у Азизадан ... (катта). Фотима ва Зухра бир кунда туғилган. Демак, уларнинг ёши ... (тенг).

ҚАЕРДА АЛДАДИМ?

Мақсад: тарбияланувчиларни қиёслашга, ҳозиржавобликка ўргатиш.

Тарбиячи қуйидаги гапларни ўқийди, болалар эса гапнинг хатосини тўғрилаб айтишлари керак. Стол устида иккита нок, иккита олма бор. Стол устида жами нечта мева бор? Хонтахта устидаги иккита темир челақча ерга тушиб кетди. Унинг синиқлари неча бўлак бўлади? Мушук сичқон билан дўст бўлибди-да, бунга ғаши келган кучук уларни қувиб кетибди...

ҚАЙ БИРИ БИРИНЧИ?

Мақсад: Болаларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, улардаги таҳлил қила олиш қобилиятини ривожлантириш.

Тарбиячи чалғитиш мақсадида гапларни нотўғри ўқийди. Иштирокчилар эса тарбиячи қаерда хато қилди ва у хато нимадан иборатлигини айтиб беришлари керак. Масалан, Мен тугмани тақдим, кейин кўйлак кийдим, Ойим эртага келди, мен кеча боғчага бораман, мен тушлик қилиб боғчага бордим.

НИМА УЧУН ОРТИҚЧА?

Мақсад: Болаларнинг топқирлик қобилиятини шакллантириш.

Тарбиячи болаларга сўзларни кетм-кетликда ўқийди. Болалар қатордаги қайси сўз ортиқчаллигини ва нима учун

уни бу қаторга қўшиб бўлмаслигини айтиб беришлари керак.

Соат, дақиқа, сония, ёз.

Сут, творог, нон, сметана.

Телевизор, радио, китоб.

Ўрик, олча, олма, қалам.

ТЎҒРИ БЎЛСА ИЛ

Мақсад: Болаларни ҳозиржавобликка ўргатиш.

Тарбиячи бирор бир вазиятни айтади, тарбияланувчи агар ўша гап тўғри келса коптокни ушлаб олади. Агар гап мантиқан нотўғри тузилган бўлса бола тўғри олмайди. Қуйидаги вазиятларни мисол тарзида келтириш мумкин: Поезд дарахтда учиб юрибди, олма жудаям шўр экан, мен овқат еяпман, уй сайр қилгани ташқарига чиқиб кетди, шишали туфлилар кўп экан, балиқ ўйинчоқ машинани кўтариб олиб келаётган эди, қишда қулупнай тергани бордик, ёз бўлса ҳам чанада учдик, Бир вақт кучук ку-ка-ре-ку деб бақираётганини эшитдик.

РАССОМ НИМАНИ УНУТДИ?

Мақсад: Болаларда тасаввурни кучайтириш.

Тарбиячи болаларга расм кўрсатади ва унда болалар рассом қолдириб кетган нарсанинг нима эканлигини топишлари керак.

Масалан, суратда тўртта одамга учта қошиқ тасвирланган, гиламнинг чизиқларини чизиш эсдан чиқиб қолган, вазада сув турибди, унинг гулини чизиш эсдан чиққан.

"КУБИҚДАН МИНОРА ҚУРАМИЗ" ТАЪЛИМИЙ ЎЙИНИ

Мақсад: Предметларнинг катта-кичиклигига қараб кубиклардан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Вазифа: Болаларни сўз луғатларига "катта", "кичик" каби сўзларни киритиш ва бу предметларни бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Қуриш яшаш ва математика маркази:

Фаолиятни бориши: Тарбиячи кубиклардан минорани ўзи қуриб кўрсатади. Тарбиячи минора қураётганида гапириб туради. "Катта кубикнинг устига кичик кубикни қўяман, унинг устига ундан ҳам кичик кубикни қўяман."

Болаларга ҳам худди шу ҳолатларни бажаришга ундайди. Бу ўйин 2-3 марта қайтарилади. Бошида болаларга аввал иккита қарама-қарши катталиқдаги кубикларни танланади. Катта кичик кубикларни (15 ва 5 см.) олиб устма-уст қўйиш таклиф қилинади. Қурилма болалар учун унча аҳамиятга эга эмас, энг асосийси болалар "катта" ва "кичик" деган сўзларни ўзлаштиришлари лозим. Ундан кейин учта кубикдан минора қуриш таклиф қилинади. (15,10,5см) Имкон қадар кублар бир хил рангга бўйлиши мақсадга мувофиқдир. Кейинчалик болаларга 5 та кубдан минора қуриш таклиф қилинади. (25,22,16,12,6,9) Бу вақтда болалар тез ўзлаштира олмайдилар. Тарбиячининг намунасидан ташқари бу кубикларни стол устига кетма-кет бир қатор қилиб жойлаштириб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бу вақтда кубикларнинг катта-кичиклиги яққол кўринади. Машғулот давомида таълимий ва мазмунли расмлар қўлланилиши лозим.

Болалар учун амалий машқ.

Тарбиячи болалар билан ҳайвон болаларнинг кичрайтирувчи-эркаловчи номларини айтишади. Болалар олдиларида ҳайвон болалари, предметларнинг кичрайтирувчи – эркаловчи номларини ифодаловчи расмлар бор. Болалар ўз расмларидаги предметларни топиши лозим. (чойнак- чойнакча, тугма-тугмача. болға- болғача. сумка- сумкача.)

Болалар билимини аниқловчи саволлар.

Болалар биз нима қурдик? Биз минора қурдик
Минорани нимадан қурдик? Кубиклардан минора қурдик
Айиқчани қандай эркалаб чақириш мумкин?

Тулкини қандай эркалаб чақириш мумкин?

Китобни қандай аташ мумкин?

“ЭСЛАБ ҚОЛ”

Мақсад: Болаларда хотирани ривожлантириш, ўқув қуроллари номини ўргатиш.

Болаларни иккита жамоага бўлиб оламиз. Кейин уларга сўзларни кетма-кетликда айтамиз. Масалан, қоғоз, қалам, елим, пластилин, ручка. Бола сўзларни айнан тарбиячи айтганидек кетма-кетликда айтиши керак. Кимдир тартибдан адашса, ўйиндан чиқиб кетади. Қайси жамоада кўп иштирокчи қолса, ана ўша жамоа ғолиб бўлади.

МУСИҚА ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Хорижий давлатлар мактабгача таълим тизимини ўрганишимиз жараёнида мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кенг ўрин ажратилганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, болаларнинг эрта ривожланишини ва тарбиясини амалда синовдан ўтказган буюк италян педагоги Мария Монтессорининг болани эрта ривожлантириш назарияси билан боғлиқ методикалар бутун дунёда долзарб. Ўз ғоя ва принципларига риоя қилиб, М. Монтессори педагогик тизим асосига болалар ўзлари истаганидек фаолиятда эркин намоён бўлишидир. Монтессори ишлаб чиққан методнинг мазмуни болани ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзига таълим, ўз-ўзини ривожлантиришга рағбатлантиришдан иборат. Тарбиячининг вазифаси – болаларга ўз фаолиятини ташкил қилишда, ўзининг ноёб йўлидан боришда, ўз табиатини кўрсата билишда ёрдамни уюштириш. Монтессорининг бутун тизими шу тарзда қурилганки, ўз ривожланишининг ҳар бир босқичида бола ҳаракат орқали ахборотни энг юқори даражада олган ва бундан қувонч ҳамда қониқиш ҳис этган. Монтессори – болани ўраб турган муҳит тобора

кенгайтирилган музикаий муҳит билан, унинг тасвирий санъат, рақс, чет тили каби муҳитлар қуршови билан узвий бирлигида тўлдирилган, болаларнинг кейинги умумий ривожланишига кўмаклашган. Музика таълимида мажбурламаслик ва аста-секинлик жуда муҳим, деб биларди Монтессори. Кичик болаларга энг содда музикаий қурилмаларни таклиф этиш керак эди. Музикаий тарбияда муваффақиятга фақат шу йўл билан эришилади. Монтессори фикрича, болаларда жисмоний ва музикаий тарбияни бирлаштириш уларда ритм туйғуси ва ҳаракатларда мувозанатнинг ривожланишига кўмаклашади, болага нафақат ўзининг жисмоний такомилени чархлаш, балки ўзини музикани янада чуқур ўрганишга тайёрлаш, ижодий қобилиятларини юзага чиқариш имконини беради. Боланинг музикага ўқитиш жараёнида эрта ривожлантиришнинг кашфиётчиси Монтессорининг «қанча эрта бўлса, шунча яхши» деган ғоясига риоя этган, музика таълимига инсоний сўзга ўргатиш каби ёндашув асосида иш кўрган Ш.Сузуки бўлди. Япон педагогининг фикрича, бола туғилганидан музикага ошно бўлиши керак, шу сабабли уни жаранг сочиб турган музикага «ўраш» керак. Жанубия Корея мактабгача таълими бўйича дунёда энг юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Корейслар болаларнинг жисмонан соғлом ва бақувватлигига, шунингдек музика дарсларини ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратадилар. Боғчадан бошлаб болаларга дунёни музика орқали англашиш ақидасини илгари суришади. Болага ҳар томонлама ёрдам бериши, теварак-атрофни образли - эмоционал идрок этиши ва бола характерининг шаклланишига таъсир кўрсатиши учун музика тарбиясининг аҳамияти юқори деб ҳисоблашади. Шу сабаб жанубий Кореяда музикани қабул қилиш, ҳис этиш ва тушуниш, бадий - ижодий

қобилиятларини тарбиялаш бўйича алоҳида дастурлар мавжуд.

Ўзбекистон мактабгача таълим ташкилотларида ҳам муסיқа машғулотларида қувноқ қуй ва қўшиқларни тинглаш, чапак чалиш ҳамда болалар чолғу асбобларига жўр бўлиш муסיқага иштиёқларини янада ошириб боради. Чунки бу ёшдаги болаларда ҳали диққат – эътибор унча тўлиқ бўлмайди, улар кўпроқ серҳаракат ва ўйинга мойил бўладилар. Муסיқа машғулотларида болада муסיқий қобилиятларни ривожлантириш доимо тарбиячи, муסיқа раҳбарининг диққат марказида бўлиши, турли метод ва воситалар, жумладан муסיқий-дидактик қўлланма ва ўйинлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Муסיқий-дидактик ўйинлар – мактабгача ёшдаги болаларнинг муסיқий қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим воситаси. Муסיқа ва ҳаракат боланинг жисмоний ва концентрация қобилиятларига ёрдам беради. Бундай ўйинларни ўтказишдан қўзланган мақсад-болаларнинг муסיқий қобилиятларини улар учун қулай ўйинли шаклда– муסיқий дидактик қўлланмалар ва ўйинлар воситасида шакллантириш ва ривожлантиришдир. Ўйинларда муסיқий фаолиятнинг барча турлари: куйлаш, тинглаш, муסיқа чалиш, муסיқа жўрлигида ҳаракатланиш ва шу кабилардан фойдаланилади. Ўйин давомида муסיқа машғулотларидан ташқари вақтда болаларни мустақил ҳаракатлар (ўйинлар)га ундаш керак. Муסיқий-дидактик ўйинлар орқали ҳал қилинадиган вазифалар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- болаларни муסיқий маданиятга ошно қилиш, уларнинг муסיқий фикрлаш доирасини кенгайтириш;
- муסיқий-сенсор қобилиятларни ривожлантириш, болаларнинг эшитиб идрок қилишини фаоллаштириш;

- музикалий ифодалилиқ ва музикалий овоз хоссалари (баландлик, тембр, давомлилиқ каби) ҳақида билим ва тасавурларни, тақлиф қилинган музикалий асарларда уларни фарқлай олиш кўникмаларини шакллантириш;

- мустақил музикалий (ўйин, ижрочилиқ, тадқиқотчилиқ) фаолиятига

қизиқиш уйғотиш.

Болалар қалбида музикага бўлган муҳаббат ҳиссини оширишда музикалий-таълимий ўйинларнинг роли беқиёсдир. Тарбиячи болаларга турли хил музика асбобларини кўрсатиб, чашиб бериш орқали, чолғу асбобларининг овози ва тузилиши ва турлари билан таништириб боради. "Овозидан топ", "Нимада чаляпман", "Кўнғироқ қандай жаранглапти" каби ўйинлар орқали тарбиячи болаларга овоз ва чолғу асбобларининг товуш хусусиятларини фарқлашга ўргатади. "Тапур-тупур қайрағоч", "Томга тош отдим", "Ўйнаб бер", "Санамалар", "Муштум ва кафтчалар", "Ёмғир" каби миллий ўйинлар орқали болаларни музика ритмига мос ҳаракат, ўйинли ашулани ижро этиш, қарсақлар ва мимик ҳаракатларни тўғри бажаришга ўргатиб борилади.

Музика раҳбари таълим тарбия ишларини олиб боради. У фақатгина кенг билимга эга бўлиб қолмай, ўзини мутахассислигини ҳам яхши билиши лозимдир. Болаларни музика санъати билан тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, фикрлаши, тушунчаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Доимий кузатишлар сабабли музика раҳбари педагогик маҳоратни эгаллай бошлайди. У вазиятни (ситуацияни) баҳолашга, болаларнинг ички туйғуларини сезишга ўрганади. Машғулот давомида музика раҳбари болалар билан мулоқатда бўлган усулини қўлласа, музика ҳақида тўғри мулоҳаза юритишга, тўғри хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бу фаолиятида музика раҳбари режиссёр сингари

уларни бошқариб, тўғри хулосаларга эриштирилиши лозим. Мусиқа машғулотларининг самарали бўлиши учун албатта янги педагогик технологиялар билан машғулот олиб бориш лозим.

Болалик ва ўсмирлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади. Ривожланиш деганда биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиши жараёнини тушунамиз. «Шахс» тушунчаси психологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилган. Инсон руҳий олами қонуниятлари билан қизиққан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахсни четлаб ўтолмаган. Шахсий сифатларни мактабгача таълим ёшида аниқлаш ва ривожлантириш ишига нафақат тарбиячи педагог, балки мусиқа раҳбари ҳам бирдек масъул эканлигини таъкидлаймиз. Мусиқа тинглаш орқали болаларга нафосатни, эстетик дидни тарбиялаш ҳамда миллий ва жаҳон маданияти билан таништириш тарбияланувчиларга дунёни англашида муҳим аҳамият касб этади. Таълим – тарбия жараёнида ҳар бир болага шахс сифатида қараб унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш улардаги ижодий қобилиятларини аниқлашга имкон беради. Бунда ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш, фарзандининг қобилиятлари ва уни келажакда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим саналади. Шунингдек, таълим ташкилотида байрам эрталиклари ва мусиқий тадбирларни ташкиллаштириш ҳам болаларнинг мусиқий йўналишдаги ижодий қобилиятлари намоён бўлишига йўл очади.

МТТда тарбияланувчиларнинг мусиқий қобилиятларини эрта аниқлаш ва ривожлантириш бўйича

мусиқа фаолиятини ташкил этиш бўйича қуйидаги таълим турларини таклиф этамиз:

- фронтал мусиқа машғулоти(комплекс, мавзу бўйича, етакчи (доминант), анъанавий);
- гуруҳий индивидуал мусиқа машғулоти(ижодий, мусиқани эшитиш иқтидори ва овозни ривожлантириш;
- рақс ҳаракатларини ўзлаштириш, болаларга мусиқа асбобларини чалишни ўргатиш);
- мусиқа залидан ташқарида ташкил этилган мусиқа муҳити (мустақил мусиқа фаолияти, мусиқа садолари остида уйғониш, мусиқали ҳордиқ, эрталабки бадантарбия, физкультура машғулоти);
- байрам ва эрталиклар (мавсумий, мавзувий, фольклор, ўйинга асосланган).

Шунингдек, мусиқа раҳбари томонидан амалга оширилган ишлар мусиқа машғулоти жараёнида ривожланиб борсин. Юқорида таъкидлаб ўтилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган мусиқа таълим-тарбиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

Биринчидан, тарбияланувчиларни мусиқага бўлган қизиқишларини ошириш борасида ўқув дастурда репертуар танлашда уларнинг ёшига хос жиҳатларини эътибога олиш;

Иккинчидан, тарбияланувчиларни мусиқий асарлар билан таништириш жараёнида уларда мусиқий оҳангга бўлган ҳис-туйғуларни ҳосил қилиш йўли билан Она-Ватан, халқ, миллатга нисбатан меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, шу орқали уларнинг мусиқа ҳақидаги тасаввурларини бойитиш;

Учинчидан, болаларни мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш, мусиқа остида ритмик ҳаракатларни бажариш, болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш фаолиятлари ёрдамида ижодий қобилиятларини шакллантириб бориш;

Тўртинчидан, болалар овозини асраб тарбиялаш, кўшиқларни содда, равон, эркин, табиий ва ифодали куйлашга ўргатиш ҳамда унга одатлантириш;

Бешинчидан, тарбияланувчиларни муסיқий асарлардан завқ олишлари, шу асосда уларнинг муסיқий дид ва бадиий фикр юритишларини ривожлантириш;

Олтинчидан, муסיқа машғулотида жараёнида муסיқий асардаги бадиий образларни ўйин ва рақс ифода этишга ўргатиш;

Еттинчидан, муסיқа машғулотида болаларни миллий қадриятларимиз билан таништириш, миллий чолғу созлар жўрлигида миллий оҳанг-куй ва муסיқий-ритмик ҳаракатларни бажаришга ўргатиш;

Саккизинчидан, муסיқа машғулотида мазмунини мактабгача таълим муассасаси, Ватан, шаҳар, маҳалла, табиат, жамият ҳаёти билан боғлаш, таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбирларда ўрганилган куй ва кўшиқлар билан иштирок этиш. Турли эрталиклар, концертлар ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассасалари муסיқа машғулотида бола ҳаётини, тевақуфни муסיқий образлар орқали идрок этиш учун репертуар танлаш лозим бўлади. Олиб бориладиган муסיқий тарбия ишларини бадиий адабиёт ва тасвирий санъат билан узвий равишда боғланган ҳолда амалга ошириш, муסיқий тарбиянинг илғор тажриба ва турли методларидан фойдаланиб ўтказиладиган ҳар бир муסיқа машғулотини болаларга бадиий-эстетик завқ уйғотишини, уларнинг ҳис туйғуларини шакллантиришда, ижодий фикрлаш қобилияти ва нутқини ўстиришда хизмат қилишни таъминлаш лозим. Бундан ташқари муסיқий ўйинлар ва рақслардан ҳам фойдаланиш болаларда ритм туйғуси,

чаққонлик ва ҳаракатчанликни шакллантириб, қоматнинг тўғри ўсишига ёрдам беради.

Музиқа машғулотида музиқа раҳбари ва тарбиячи қўйидаги вазифалар амалга ошириши мумкин:

- ўйин орқали болаларнинг музиқага бўлган қизиқиши ортади;
- боланинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишга имконият бўлади;
- машғулот давомида болада янги фикр, ғоя ва таклифлар пайдо бўлади.

Бу жараён болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Музиқали дидактик ўйинлар болаларнинг музиқавий-сенсор қобилиятини ривожлантиради ва мустақил фаолиятига ҳам қўшилади.

Музиқали дидактик ўйинлар музиқа машғулотида ва болаларнинг бўш вақтларида ўтказиб ўйналади. Болаларнинг мустақил ўйинларида музиқали дидактик ўйинлар уларни қўшиқ айтишга, рақс тушишига, болалар чолғу асбобларини чалишга бўлган қизиқишларини кучайтиради ва ижод қилишга ундайди.

МУЗИҚАЛИ ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР

Музиқа асарининг характерини ҳаракатда ифодалаш қобилиятини ривожлантириш ўйини

“МУШУКЧАЛАР”

Ўйин материаллари: Болалар сонига қараб мушук ниқоблари.

Ўйин кичик гуруҳларга бўлиниб ўйналади.

Ўйиннинг бориши: “Рақс” куйи чалинганда, болалар эркин рақсга тушиб ўйнашади. “Алла” куйи чалинганда, болалар чўккалаб ўтиришади, қўл кафтларини бирлаштириб ўнг

юзига қўйишади. Сўнг ўйин бошқа гуруҳ болалар билан шу тарзда ўйналади.

1) Муסיқа раҳбари куйларни алмаштириб чалиши мумкин.

2) “Алла” куйига болалар бир ёнга ётиб олиши мумкин.

3) Қўл кафтларини бирлаштириб чап юзига қўйиши мумкин.

4) Муסיқа раҳбари ўйинга осойишта ва шўх характердаги бошқа куйлардан фойдаланиши мумкин.

5) Бошқа ҳайвонларнинг ниқобларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўйғон ва ингичка товушларни фарқлаш қобилиятини ривожлантириш ўйини

“КИМ КУЙЛАЯПТИ”

Ўйиннинг бориши: Болалар тенг икки гуруҳга бўлиниб елкама-елка туришади. Муסיқа раҳбари ўйин қондасини болаларга тушунтиради.

Биринчи гуруҳ болалари келишиб олишиб она сигир дейишади.

Иккинчи гуруҳ болалари эса биринчи октавадаги “до” товушида “мў-мў” деб куйлаб бериши керак.

Навбат иккинчи гуруҳга берилади, болалар келишиб олиб тойчоқ дейишади.

Биринчи гуруҳ болалари эса иккинчи октавадаги “до” товушида “и-и-и” деб куйлаб беришади.

Ҳар бир гуруҳ болалари келишиб олиб хоҳлаган уй ҳайвонлари, паррандаларини онасини, боласини номини айтишади. Ўйин шу тариқа юқорида кўрсатилгандек ўйналади.

Масалан: она товуқ, ўрдак боласи, она эчки, товуқ боласи, она от, мушук боласи, она ўрдак, қўй боласи ва ҳоказолар.

Тинглаш ва эслаш қобилиятини ривожлантириш ўйини

“ТИНГЛАНГ, ТОПИНГ”

Ўйин материали: ухлаётган боланинг, шаҳдам қадам ташлаётган боланинг, рақсга тушаётган боланинг расмлари столда ёйиб қўйилади.

Ўйиннинг бориши: музика раҳбари ўзбек халқ куйи “Аскарыйни” чалгандан сўнг болалардан сўрайди: - Бу куйга қандай ҳаракат қилиш мумкин? Ҳаракатни тўғри топган болани музика раҳбари столни устидаги расмлардан музика характериға мос расмни кўрсатишни сўрайди.

Ўзбек халқ куйи “Чертмак” ижро этилганда ҳам, ўзбек халқ куйи “Алла” ижро этилганда ҳам ўйин шу тариқа такрорланади. Куй номини, ҳаракатни, расмни тўғри топган бола ғолиб ҳисобланади.

- 1) “Аскарый” куйига шаҳдам қадам ташлаётган бола расмини
- 2) “Чертмак” куйига рақсга тушаётган бола расмини
- 3) “Алла” куйига ухлаётган бола расмини кўрсатиш керак.

Музика асарлар характерини фарқлаш қобилиятини ривожлантириш ўйини

“КАПАЛАКЛАР ВА ГУЛЛАР”

Ўйин материали: болалар сонига қараб капалаклар ва гуллар чизилган бошга кийиладиган чамбараклар. Ўйин кичик гуруҳларга бўлиниб ўйналади.

Ўйиннинг бориши: М. Икромованинг “Чиройли гуллар” шошилмай оҳиста музикасига гуллар чамбарагини кийган болалар ўртага чиқиб ҳаракатда гулларнинг очилиши, шамолда тебранишини ифодалашади.

М. Икромованинг “Капалак” ўртача тез, енгил музикасига капалак чамбарагини кийган болалар ўртага

чиқиб ҳаракатда капалакларни енгил қанот қоқиб учишини, айланишини, гулга қўнишини ифодалашади. Янгилишмай образни кўп ҳаракатлар билан ифодалаган гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Сўнг ўйин чамбаракларни алмаштириб ўйналади.

Қўшиқ айтиш ижодкорлигини ривожлантириш ўйини “ҚЎШИҚ ЎЙЛАБ ТОП”

Ўйиннинг бориши: Муסיқа раҳбари болалар эшитмаган қўшиқ айтиб беради. Болалардан сўрайди – Қўшиқ ёқдимми?

Энди ким, муסיқа машғулотида ўрганилмаган қўшиқ айтиб беришни хоҳлайди, марҳамат эшитамиз. Болалар хоҳиши билан қўшиқлар. Ихтиёрий қўшиқлар яъни оилада, тўйда, магнитофон кассеталарда, ойнаи жаҳонда машҳур қўшиқчиларнинг қўшиқларини куйлашга ҳаракат қилиб ўзлари билганча галма-галдан қўшиқ айтишади.

Ўйин охирида муסיқа раҳбари қўшиқ айтган болаларни мақтайди.

- Катта бўлсанглар моҳир қўшиқчи бўласиз - деб яхши тилаклар билдиради.

Сўнг муסיқа раҳбари “Бинафша” болалар гуруҳининг магнитофон кассетадаги қўшиқлардан бирини болалар билан бирга куйлашади.

Рақс ижодкорлигини ривожлантириш ўйини “РАҚСГА ТУШАМИЗ”

І вариант

Ўйиннинг бориши: Болалар давра олиб туришади. Тарбиячи қўлида рўмолча билан даврада юриб хоҳлаган болани елкасига рўмолчани теккизади, елкасига рўмолча теккан бола ўртага чиқиб муסיқа оҳангига монанд рақсга тушади. Бир вақтда даврада турган болалар чапак чалиб туришади. Рўмолча олган бола бошқарувчи бўлади. Ўйин шу тариқа давом этади.

II вариант

Ўйиннинг бориши: Қиз болалар алоҳида ўнг томонда, ўғил болалар алоҳида чап томонга бўлиниб туришади. Болалар ўз куйларини эшитиб навбатма-навбат мусиқа оҳангига монанд рақсга тушадилар.

Ўғил болалар “Андижон полькаси”, “Дилхирож” ўзбек халқ куйларига рақсга тушадилар.

Қиз болалар «Чертмак», «Қари наво» ўзбек халқ куйларига рақсга тушадилар.

Мусиқа раҳбари куйларни алмаштириб чалиши керак. Қайси гуруҳ болалари кўп, чиройли рақс элементларини ўйлаб топиб рақсга тушса, шу гуруҳ болалари рағбатлантирилади. Ўйин шу тариқа давом этади.

Ритм туйғусини ривожлантириш ўйини “ҚУВНОҚ БОЛАЛАР”

Ўйин материали: Болалар чолғу асбоблари, шақилдоқ.

Болалар барабан чалинганда айиқ полвонли юришини, металлофон чалинганда қуёнларни сакрашини, шақилдоқ чалинганда қушларни учишини ҳаракатда кўрсатишлари керак.

Ўйиннинг бориши: Болалар чолғучини танлашади. Ҳамма давра олиб туради. Ўртада стол устида болалар чолғу асбоблари барабан, металлофон, шақилдоқ туради.

Чолғучи бола хоҳлаган чолғу асбобларида навбатма-навбат чалганда, даврада турган болалар шу чолғу асбобларига мос ҳаракатларни ижро этишади. Ўйин тугаганда, бошқа чолғучи танланади. Ўйин шу тарзда давом этади.

“ҲАШОРАТЛАР САЁҲАТИ” мусиқий-дидактик ўйини

Мақсад: Хотирани ривожлантириш, овозидан топиш, қўшиқ ижодини ривожлантириш, расмли карточкалардан ҳашоратларни таниш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга ҳар-хил ҳашоратлар кўрсатилган карточкалар берилади. Муסיқа раҳбари ҳашоратларга мос қўшиқ куйларини чалиб эшиттиради ёки бўлмасам шу ҳашоратларнинг товушларини ҳам қўйиб бериши мумкин. Болалар эшитилган куй ва ҳашоратларнинг овозлари бўйича қўлларидаги карточкали расмларни кўтарадилар. Ўйин шу тариқа давом этади. Ўйинда яхши қатнашган болаларни Муסיқа раҳбари ширин сўзлар билан рағбатлантиради.(Капалак, чигиртка, қўнғиз, чумоли, ипак курт, асал ари, қовоқ ари, пашша, ниначи ва ҳоказолар).

ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ – ТАРБИЯЛАНУВЧИ ИЖОДКОРЛИГИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

Кўпинча, бизнинг асосий мақсадларимиз болаларни соғлом ва хавфсиз сақлашга, меъёрида овқатлантиришга, шакл ва рангни аниқлаш каби билим кўникмаларига ўргатиш, одоб-ахлоқий ҳаракатларни рағбатлантириш, саводхонлик ва рақамларни ўрганиш каби асосий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Ушбу жараёнлар учун кетадиган барча вақтларда болаларнинг ижодий қобилиятларини тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратишнинг аҳамияти ҳақида ўйлаш муҳим. Сабаби, ижодий куч ёш боланинг билим олишга бўлган иштиёқини оширади ва интеллектуал ривожланишни қўллаб-қувватлайди.

Мактабгача таълим масканларида ўтиладиган тасвирий фаолият машғулотлари болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият ҳисобланади. Бола дунёга келар экан, унда маълум даражада ижодий фаолиятнинг муайян турига нисбатан табиий мойилликлар мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай соҳада ижодкорликни намоён этиш учун имкониятлар

мавжуд бўлади. Муҳими, уни тўғри ташхислаш, мазмунан тўғри йўналиш беришдан иборат. Айнан шу омил шахсининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришда етакчи мезон ҳисобланади. Тасвирий фаолиятнинг ҳар бир тури болаларда ақлий фаолликни, ижодкорликни, бадиий дидни шакллантиради ва бошқа инсоний фазилатларни тарбиялаш имконини беради. Бундай фазилатларсиз ижтимоий фаол шахсни шакллантириб бўлмайди. Ижодкорликка қизиқишнинг энг оддий кўринишлари айнан мактабгача таълим ёшидаги болаларда намоён бўла бошлайди. Лекин болаларнинг ижтимоий-коммуникатив тажрибаси етарли бўлмаганлиги боис, бундай ҳолатлар эпизодик тарзда юзага келса, тажриба тўплаб бориш жараёнида оламни англашга интилиш, муайян билимларни эгаллаши натижасида креативлик аниқ мазмунга эга бўла бошлайди. Бу кўрсаткич болаларнинг ижодий фаолиятида яққол намоён бўлади. Яъни мактабгача ёшдаги боланинг кўп ҳолларда примитив тарзда кечадиган ижодий фаолияти, айниқса, уларнинг тасвирий фаолияти аста-секин муайян қонуниятларга асосланган ҳолда мазмун ва моҳият касб этиб боради. Ижодкорлик кўникмаларининг шакллана бориши эса уларнинг машғулот жараёнидаги фаолликларида намоён бўлади.

Ишнинг тоза, пухта бажарилганлиги нафақат тартиблиликка боғлиқ, балки қалам, мўйқаламдан фойдаланиш маҳоратини ўзлаштиришга ҳам боғлиқдир. Тасвирлаш, чизиш техникаси бўйича маҳоратлар бола қўллари ривожланганлиги билан боғлиқ бўлган мувофиқлаштириш, аниқлик, оҳисталик, ҳаракатларнинг эркинлиги ва ҳоказолардан иборатдир.

Бола ўз ҳиссиётларини мусиқа, театр, тасвирий фаолият ва бошқалар орқали ифодалашни ўзлаштиради. Рассомлик соҳасида Рафаэль Сантининг ижодий қобилияти саккиз

ёшида, Микеланджелода ўн уч ёшда, И.Е.Репин билан В.А.Серовда тўрт ёшда, В.И.Суриковда олти ёшда кўрина бошлаган. Игор Грабарь ўзи ҳақида: «Рассомликка неча ёшда ҳавас қўйганлигимни эслай олмайман, аммо расм солмаган вақтимни хотирлай олмайман»,– дейди.

Хулоса, қилиб айтганда, санъат марказида фаол бўлган болада таққослаш ва солиштиришнинг умумлашган усуллари шаклланади, ижодий масалаларни ечиш маҳорати, ўз фаолиятини режалаштириш маҳорати янада ривожланади. Бу таълимий амалларни самарали бажариш учун, албатта, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларига замонавий шароит ва эҳтиёжлар асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик адабиётлар мажмуи бўлиши лозим. Тажрибалар, кузатувларнинг натижалари, уларнинг таҳлиллари бу соҳада ижтимоий-педагогик талаб ва эҳтиёж мавжудлигини, шунингдек, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган таълимий ислохотларга ҳамоҳанг тарзда МТТ учун тасвирий фаолият бўйича замонавий мазмун ва моҳият касб этувчи методик ишланмалар яратилмаганлигини кўрсатади. Айрим методистлар ва педагог олимлар томонидан нашр этилган баъзи ишланмалар биринчидан, кам тиражда бўлганлиги, қолаверса, бугунги ижтимоий талабларни қондиришга қодир эмаслиги сабабли янгича мазмундаги замон талабларига жавоб берадиган қўлланмалар яратиш лозимлигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълимнинг барча гуруҳлари учун тасвирий фаолият турлари бўйича методик ишланмалар мажмуасини яратиш долзарб муаммо сифатида қолмоқда.

Мактабгача таълим масканларида ўтиладиган тасвирий фаолият машғулоти болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият

ҳисобланади. Бадиий фаолият машғулотларининг барча турлари қатори аппликация тури ҳам болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради. Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган бадиий фаолиятнинг ҳар бир тури ҳам умумий эстетик таъсирдан ташқари ўзининг махсус таъсир кучига эга. Мактабгача таълим ташкилотларида ўтиладиган тасвирий фаолият болалар тасаввурларида атроф-оламнинг акс эттириш имконини беради. Тасвирий фаолият машғулотларида аппликация бўйича бажариладиган топшириқлар мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг таълими ва тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни шахсий сифатларини, психологик ва эстетик имкониятларни ривожлантиришга ундайди. Ҳозирги замон педагогик ва психологик тадқиқотларида мактабгача таълим ёшидаги болаларни эстетик, ақлий ривожланиши учун «Тасвирий фаолият» машғулотлари зарурлиги исботланмоқда. Нафақат тасвирий фаолият машғулотлари, балки тасвирий санъатнинг аппликация ишлари бугунги кунда ўта долзарб машғулотлардан ҳисобланади. Аппликация бўйича машғулотларни ўтказиш шароити машғулотлар доирасидан ташқарида ва болаларнинг мустақил фаолияти, марказлардаги фаолият ёки гуруҳий фаолият кўринишида амалга оширилади. Аппликация машғулотлари жараёнида болалар турли предметларнинг содда шакллари ва уларнинг қирқиб ёпиштириладиган бўлаклари, силуэт тасвирлари билан танишадилар. Мактабгача таълим ташкилотларидаги тасвирий фаолият машғулотларида турли усуллардаги техникалар ҳамда болалар учун қизиқарли бўлган турли бадиий, табиий ва ташландиқ материаллардан ўз ўрнида фойдаланиш аппликация машғулотларининг мазмунини янада бойитади. Тасвирий фаолият машғулотларида

апликация технологиясида тасвирлаш жараёнида болаларда: бадий дидни тарбиялаш; амалий бадий фаолият ва малакаларни ривожлантириш; фантазия, ижодий фикрлаш ва тасаввур қилиш, идрок қилишни ривожлантириш; қўлнинг аниқ ҳаракатлари ва бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш; касбий бадий-ижодий фаолият куртакларини намоён бўлиши учун имкон яратиш каби таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади.

Республикамизнинг келажаги илм-фан, ижод, таълим-тарбия тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Шу боис мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда тасвирий фаолият машғулотида турли бадий материаллар билан бир қаторда табиий ва ташландиқ материаллар ҳам таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Зеро, табиат гўзалликнинг энг қадимги ва бой манбаидир. Айнан шу омилни эътиборга олган ҳолда бадий-эстетик таълим ва экологик тарбия масалаларини тасвирий фаолият машғулотида предмет, буюм ва нарсаларни апликация технологиясидан фойдаланиб, машғулотлар мазмунини бойитиш учун табиий, бадий ва ташландиқ материаллардан ўз ўрнида фойдаланиб, интегратив тарзда турли техникаларда тасвирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий фаолият машғулотида ижодкорлик сифатларини, тасвирлаш малакаларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда турли бадий материаллар сингари табиий материаллар ҳам ўзига хос дидактик имкониятларга эга. Мактабгача таълим ташкилотлари учун ишлаб чиқилган «Илк қадам» давлат ўқув дастурининг тузилиши ва мазмунининг таҳлилидан аёнки, кичик гуруҳлардан бошлаб энг кўп вақт тасвирий фаолиятга ажратилган. Демак, тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг катта

бўлим ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантиқий ва дидактик боғлиқликда амалга оширилади. Бу омил ҳам тасвирий фаолият машғулоти мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англатади.

Машғулотларнинг асосий вазифаси сифатида тасвирий фаолият воситасида мактабгача таълим ёшидаги болаларни қузатишган воқеа ва ҳодисаларни, объектларни тасвирлашга ўргатиш орқали, уларда атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантириш, оламни билиш ва ундаги воқеликларни англашга ўргатиш алоҳида қайд этиб ўтилган. Бу таълимий амалларни самарали бажариш учун, албатта, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларига замонавий шароит ва эҳтиёжлар асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик адабиётлар мажмуи бўлиши лозим. Тажрибалар, қузатувларнинг натижалари, уларнинг таҳлиллари бу соҳада ижтимоий-педагогик талаб ва эҳтиёж мавжудлигини, шунингдек, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган таълимий ислохотларга ҳамоҳанг тарзда МТТ учун тасвирий фаолият бўйича замонавий мазмун ва моҳият касб этувчи методик ишланмалар яратилмаганлигини кўрсатади. Айрим методистлар ва педагог олимлар томонидан нашр этилган баъзи ишланмалар биринчидан, кам тиражда бўлганлиги, қолаверса, бугунги ижтимоий талабларни қондиришга қодир эмаслиги сабабли янгича мазмундаги замон талабларига жавоб берадиган қўлланмалар яратиш лозимлигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълимнинг барча гуруҳлари учун тасвирий фаолият турлари бўйича методик ишланмалар мажмуасини яратиш долзарб муаммо сифатида қолмоқда.

Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг натижаларига, шунингдек, болалар ривожланишининг

психофизиологик хусусиятларига кўра, юқорида таъкидлаганимиздек, дунёқарашнинг асосий қисмини шаклланиши уларнинг мактабгача ёшига тўғри келишини эътиборга оладиган бўлсак, болаларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг мазкур босқичига алоҳида эътибор билан қараш керак бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолияти энг оммавий тур ҳисобланиб, деярли барча болалар ҳам расм чизишни яхши кўришади. Бунда болаларни атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни англаш, уларга элементар тарзда эстетик муносабат билдириш, улардан олинган тасаввурларни ўз фаолиятларига татбиқ этишга босқичма-босқич ўргатиб бориш, уларни мактаб таълимига тайёрлаб боришнинг самарали воситаларидан бири эканлиги ҳам ижтимоий-педагогик моҳият касб этади. Тасвирий фаолият орқали болаларда ақлий ривожланиш, бадий дид ва ижодкорликни таркиб топтириш, теварак-атрофдаги гўзалликлардан завқлана билиш кўникмаларини шакллантириш мумкин бўлади. Тасвирий фаолият машғулотларида предмет, буюм ва турли нарсаларни аппликация технологиясида тасвирлаш мактабгача ёшдаги болаларни ақлий ривожлантиришга хизмат қиладиган кўп қиррали машғулот турларидан бири бўлиб, уларни шакл ва рангларни ажрата олишга ўргатади, болаларнинг бадий-эстетик ҳиссиётларини ва қўл майда маторикасини ривожлантиради. Аппликация машғулотлари болаларда тозалик, диққатни жамлаш каби сифатларни ҳам таркиб топтиради.

Расм чизиш – бу ёш ва катта ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларнинг севимли машғулотларидан бири. Гуруҳдаги тасвирий санъат бурчаги болаларнинг ижодий салоҳиятини очишда ёрдам берадиган асосий марказ ҳисобланади. Тасвирий санъат марказининг ёрқин ва ўзига хос тарзда

жиҳозланиши болаларни ижодий фаолиятга янада кўпроқ қизиқтиради. Рисолада тасвирий санъат марказида ишни қандай ташкил этиш тадқиқ қилинган.

Мактабгача ёш – бу боланинг умумий ривожланишининг пойдевори, инсоннинг барча юқори тамойиллари учун бошланғич даври. Айнан шу ёшда боланинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишининг асослари яратилади. Тасвирий санъат – бу болаларнинг дунёни билишнинг энг қулай шакли дунёни эстетик тасаввурига кўра англашининг ўзига хос фаолияти. Психологлар ва тарбиячилар, мактабгача ёшдаги болалик даврида яратиш қобилиятининг эрта ривожланиши келажақдаги муваффақият калити деган хулосага келишган.

Ижод қилиш истаги – бу боланинг ички эҳтиёжи, у унда мустақил равишда пайдо бўлади ва ниҳоятда самимийлиги билан ажралиб туради. Чизиш дунёни англаш ва эстетик тарбияга оид билимларни ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан биридир, чунки у боланинг мустақил амалий ва ижодий фаолияти билан боғлиқ. Чизиш жараёнида болада кузатувчанлик ва эстетик идрок, бадиий дид ва ижодкорлик шаклланади. Чизиш пайтида бола ўзида маълум қобилиятларни шакллантиради ва ривожлантиради: шаклни визуал баҳолайди, самода мўлжал олишни ўрганади, рангларни ҳис қилади. Махсус кўникмалар ҳам ривожланади: кўзни қўл билан мувофиқлаштиради, фикрлаганларини қўл орқали тасвирлаш мумкинлигини англайди.

Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бадиий ва ижодий фаолият терапевтик функцияни бажаради, болаларни ғамгин, қайғули воқеалар, ёмон одатлардан чалғитади, асабий таранглик, қўрқувдан халос қилади. Қувноқ, кўтаринки кайфиятни келтириб чиқаради, ҳар бир боланинг ижобий ҳиссий ҳолатини таъминлайди.

Хўш, тасвирий санъат бурчагини яратиш ва лойиҳалашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Замонавий таълим стандартларига мувофиқ, бурчак яхши ёритилган (деразадан узоқ бўлмаган) жойда жойлашиши керак. Расм чизишга мослашган ашёлар ҳар бир гуруҳ ёши учун мослигига эътибор қаратиш керак. Ҳар бир ёш тоифаси ўзига хослигини инобатга оладиган бўлсак, бу масаланинг долзарблиги аниқлашади.

Бундан ташқари тасвирий санъат бурчагидаги жиҳозлар боланинг ҳиссий ривожланишига ҳам ёрдам бериши зарур.

Марказдаги столда расмли альбомлар, рангли-безакли китоблар қўйилиши болаларни бу йўналишга қизиқишларини янада оширади. Ушбу материаллардан фойдаланиш болалар учун эркин бўлиши зарур.

Чиройли дизайн болаларнинг эътиборини тортади. Болаларга у ерда ўзларини қулай ҳис қилишлари, эстетик завқ олишларига имкон беради. Дизайнда ўйин белгиларини (расмлар ва қўғирчоқлар), болаларнинг ижодий ишларини киритиш жуда муҳимдир.

Кўп функционалик. Ўйин муҳити бошқа марказлар билан биргаликда машғулот ҳолатига қараб ўзгартирилиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир метрдан оқилона фойдаланиш керак. Янги ҳолат яратиш учун ускуналар ва материаллар осонгина ўзгартирилиши керак. Масалан, тасвирий санъат бурчаги ёрдамида "Рассомлар студиясида" ролли ўйинини ташкил қилиш мумкин (театр бурчаги билан бирлаштирилган ҳолда).

Ўзгарувчанлик. Марказнинг жиҳозлари вақти-вақти билан ўзгариб туради: ижодкорлик учун янги материаллар қўшилади, болаларнинг намоёниш ишлари, дизайн элементлари янгиланади. Бундан ташқари, бурчақда индивидуал (масалан, расм чизиш, моделлаштириш, расмларни бўяш) ва жамоавий фаолият (албомларни,

дидактик ўйинларни кўриш) учун шароитлар яратилиши керак.

Марказни жиҳозлашда ишлатиладиган буюмларнинг сифатига ва хавфсизликка алоҳида эътибор қаратиш лозим (масалан, қайчи ва елим қопқоқли қутиларда сақланиши керак).

Фаолият маркази учун тарбиячи паспортни яратаётганда номи, мақсади ва жиҳозлари ҳақида батафсил маълумот бериши керак.

Бунда декоратив нарсаларни очиқ жавонларга қўйиш ва ижод учун материалларни стенда жойлаштириш яхшироқдир.

Шу билан бир қаторда, мебелнинг тортмаси бўлиши, йиғма жилдларни сақлашда фойдаланиш имконини беради. Болаларга керакли нарсаларни олиш учун қулай бўлиши учун мебел паст бўлиши керак. Агар гуруҳ кичик бўлса, унда махсус чизиш учун столни ажратиш шарт эмас. Бола шунчаки керакли материалларни олади ва ҳар қандай қулай жойда ўтиради.

Тасвирий санъат бурчагига молберт ҳам қўйиш мумкин (шунда болалар ўзларини ҳақиқий рассом каби ҳис қилишади).

Тасвирий санъат зонасининг мантиқий давоми сифатида кийиниш хонасида ота-оналар учун чиройли стенд ташкил этиш муҳим. Чунки, оналар ва оталар фарзандлари ўз қўллари билан яратган расмларни кўришга жуда қизиқишади. Бу катталарга мактабгача таълим ташкилотидаги таълимий жараён билан ҳам мустаҳкам алоқада бўлиш имкониятини беради.

Турли хил оқ, рангли, нақшли қоғозлар (А3, А4, А5 форматда), стикерлар, кўп рангли фолга, мато, иплар, ингичка ленталар (апликация учун), рангли қалам, мумли қалам, фломастер, маркер, акварел бўёқлари, ҳар хил

қалинликдаги чўткалар, палитралар, чўтка ювиш учун стакан, чўтка стендлари каби бирламчи материаллар бу марказдан ўрин олади. Шунингдек, ноанъанавий равишда чизиш учун асбоблар (кўпикли каучук, пахта таёқчалари, тиш чўткалари, штамплар, найчалар ва бошқалар)нинг марказда бўлиши болалар билан турли хил ижодий ишларни яратишда асқатади.

Турли хил мавзулардаги саҳифаларни яратиш учун ишлатиладиган ҳайвонлар, ўсимликлар, мевалар, сабзавотлар, автоуловлар ва бошқаларни тасвирлайдиган шаблонлардан фойдаланиш эса болаларнинг фантазияларини бойитади. Моделлаштириш материали: пластилин, лой, тузли хамир, тахталар билан ишлаш эса кичкинтойларнинг майда моторикасини ривожлантириш учун зарурдир.

Эслатиб ўтиш жоизки, болаларга қайчи фақат ўрта гуруҳда ва тарбиячи назорати остида тақлиф этилади.

Тасвирий санъат бурчагида визуал материаллар ва шу йўналишдаги дидактик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга. Кичик мактабгача ёшдаги болалар учун асосий ранглارни аниқлашга ёрдам берадиган қўлланмалар (улар ўрта ёшда ҳам қўлланилиши мумкин) материаллар тасаввурларни бойитиш учун хизмат қилади. Чунки ушбу материаллар орқали болалар ҳар бир чизилган расмда қайси ранглардан фойдаланилганлигини аниқлайдилар.

Катта мактабгача ёшда тасвирий санъат вақтидаги талаб ва ўйинлар қийинлашади. Топшириқлар орқали санъат ва ҳунармандчилик тўғрисида билимлар чуқурлаштирилади. Масалан, болаларга расмлар элементлари кетма-кетлигини тиклаш учун карточкалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Санъат марказини ташкил қилишнинг муҳим қисми унинг эстетик ўзига хослиги ҳисобланади. Бунда тарбиячи ўзининг барча тасаввурларини ва касбга бўлган иштиёқини

намойиш этиши мумкин. Болалар боғчалари учун замонавий мебеллар кўпинча ўз-ўзидан чиройли бўлиб, ранг-баранг ранглarda бўялган, аммо шкафи жуда оддий бўлса, тарбиячи уни расм ёки ёрқин стикер билан ўзгартириши мумкин. Рангли расм ҳатто энг оддий мебелларни ҳам ўзгартиради.

Марказга қандай ном бериш мумкин?

Бунда "Ёш рассомлар", "Ижод мамлакати", "Ижодкорлик устахонаси", "Сеҳрли мўйқалам", "Мўъжизали қалам" каби номларни танлашингиз мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар учун тасвирий санъат бурчагида эркин ҳаракат қилишлари учун тарбиячи ҳар бир болада ўзига ишонч туйғусини шакллантиришга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун қуйидаги фикрларни ҳисобга олиш керак.

- Ижодий ташаббусни намоён қилиш учун болаларга максимал мустақилликни тақдим этинг, уларни эркин жисмоний ва ақлий майдон билан таъминланг.
- Тарбиячи болаларни ижодкорликка қизиқтириши керак, ўзлари ўйлаётган ва ёқтирган нарсаларни чизиш ва ясашни тақлиф қилишлари керак.
- Болаларнинг расмлари ва қўл ишлари ҳар қандай ҳолатда танқид қилинмаслиги керак, аксинча, болаларни ижод қилишга ундаш керак.

МТТда расм чизиш мақсадли фаолият бўлиб, бола тарбияси ва таълимининг кўп жиҳатларига таъсир қилади. Биринчидан, болалар расм чизишнинг турли усулларини ўзлаштирадilar. Бўёқлар ёрдамида бола нарсанинг шакли ва рангини тасвирлашни ўзлаштиради.

Иккинчидан, расм чизиш кичкинтойнинг ижтимоий мослашувида муҳим рол ўйнайди. Таълимий визуал фаолиятда у бошқа болаларнинг расмларини баҳолашда дўстлик талабларини, атрофдагиларга адолатли бўлишни ўрганади. Шунингдек, улар нафақат тўғридан-тўғри расм чизишни, балки бола ўз иш жойини ташкил қилишни, расм

чизиб бўлгандан кейин қўлларини ювишни, иш столини тозалашни ўрганади. Тарбиячининг асосий вазифалари бу ерда болани мустақиллик ва ташаббусга ундаш, кўрсатмалар бериш эмас.

МТТда тасвирий санъат машғулотларининг болалар нутқ бойлигини оширишдаги аҳамиятини алоҳида эътироф этиш жоиз. Сабаби бола расм чизаётганда нафақат майда моторикалари шаклланиши орқали, балки чизган расмлари ҳақида гапириб бериши, суратларга қараб ҳикоя тузиши билан ҳам луғат бойлигини фаол ишлатади ва фикрларини баён қилиш малакалари шаклланади.

ХУЛОСА

Таълим шароитида ижодкорликни ривожлантириш усулини кўриб чиқиш учун ёш болалардаги ижоднинг баъзи таркибий қисмларини аниқлаш фойдали эканлигини тадқиқотимиз давомида аниқладик. Ижодкорлик шахснинг шахсияти ва ҳиссий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ

Болаларнинг тажрибасини кенгайтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида гуруҳга мавзуга мос ҳолда, касблар билан таништириш жараёнларида турли соҳа мутахассисларини таклиф қилиш ҳам болалар ижодкорлигини тарбиялашда синалган усуллардан биридир.

Ижодкорликни мактабгача таълим ташкилотида ташкил этиш бўйича мактабгача ёшдаги боланинг ижодини қўллаб-қувватлаш, кейинги йилларда унинг доимий ривожланишига кўмаклашиш учун замин яратади. Чунки боланинг ижодий ғайрати ўрганиш истагини кўзғатади ва барча йўналишларда интеллектуал ривожланишни қўллаб-қувватлайди. Шундай қилиб, ҳар хил фикрлаш ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун энг яхши ҳолатлар бу – болаларга мос келадиган изланишлар, мулоҳазалар, ҳайрат, қизиқиш ва ҳатто муаммоли вазиятларга ечим топишга имкон берадиган фаолиятни таъминлаш тарбиячи педагогнинг вазифаси бўлиши зарур. Турли хил фикрлаш ва ижодкорлик ижодий муаммоларни ҳал қилишдан кўпроқ нарса – бу фикрлаш, башорат қилиш, тасаввур қилиш ва яратишдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда стандарт фикрлайдиган боладан кўра ижодий қобилиятлари ривожланган болага кўпроқ умид қиламиз. Чунки, у келажакда қаршисида кўндаланг бўладиган вазиятларга креатив ёндашади ва самарали натижага эришади.

Шу тарзда, ҳар бир болани ижодий салоҳиятга эга, қодир деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар бир боланинг ижодий

қобилиятлари унинг шахсий ривожланиш босқичи билан боғлиқ бўлишини ҳам назардан қочирмаслик керак. Ижод тушунчасини ёш болаларга мослаштириш бўйича яна бир таклифни илгари сурамиз. Бу – уларнинг "маҳсулоти" сифатига баҳо беришдан кўра, ижодий жараёнга аҳамият беришдир. Бунинг сабаби шундаки, ёш болалар муваффақиятли ижодий натижага эришиш учун зарур бўлган барча кўникмаларни ривожлантирмаган бўлиши мумкин, лекин ижодий қобилиятлари шакланса, албатта натижа сифатли самара билан далилланади. Баъзи назариячилар болаларда ижодкорликни ривожлантириш йўлини ўрганишган. Улар ёш болаларни юқори ижодкор деб биладилар. Ёш болаларда табиатан хаёл қилиш, тажриба ўтказиш ва ўз атрофини ўрганишга мойиллик кучли бўлади. Таълим шароитида ижодкорликни ривожлантириш усулини кўриб чиқиш учун ёш болалардаги ижоднинг баъзи таркибий қисмларини аниқлаш фойдали бўлиши мумкин. Ижодкорлик инсоннинг муҳим хусусиятидир. Шахсий хусусиятлар, қобилият ва кўникмаларни ўз ичига олган комплекс стратегия ижодкорликни намоён қилади. Дастлаб таъкидлаганимиздек, педагог ёш болаларга ижодий муҳитни яратиш, болаларнинг ўйин орқали кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериш, ўзларини ижодий тутиш ва болаларнинг ижодий ҳаракатларини мақташ орқали ижодкорлигини ривожлантиришга ёрдам беришлари мумкин. Лекин, боланинг қизиқишлари ҳақида билиш ва уларни рағбатлантириш муҳим бошланғич нуқтадир. Баъзи болалар ўзларининг ижодларини ифода этишда қийналишлари мумкин. Педагог тарбиячилар уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш (айниқса, хаёлий ўйин пайтида), қийинчилик қаерда эканлигини аниқлаш ва ҳаракатлар режасини тузиш орқали ёрдам бериши мумкин. Ижодкорлик кўпинча "ижодий" йўналишлар билан, масалан,

санъат ва муסיқа билан боғлиқ бўлса-да, ижодкорлик субъектга хос эмас. Ижодкорлик – бу турли соҳаларда амалга оширилиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг ёндашув усули. Бошқа томондан, ижод вакуумда содир бўлмайди: болаларнинг ижодкорлигини намоён этиши биз таклиф этаётганимиз “Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг инновацион методлари” вариатив дастуридаги ўйин технологиялари орқали амалга ошириш мумкинлиги тажрибаларда синалди.

- ❖ Табиат доимо ўзгариб туриши сабабли, у кашфиёт, ижодкорлик ва муаммоларни ҳал қилиш учун сон-саноксиз имкониятларни беради. Табиий дунё болаларни фикрлашга, савол беришга, тахминлар қилишга ва ижодий фикрларни ривожлантиришга ундайди. Болалар қумга расм чизишлари, новдалар билан нақшлар ясашлари, новдалар билан қалъалар қуришлари ёки оддийгина ерга ётиб, осмонга қарашлари мумкин.
- ❖ Сценарийларни ихтиро қилинг. Бунда бола турли хил ролларда ҳаракат қилади, ижтимоий ва оғзаки маҳоратни ривожлантиришда ўз фикрларини тартибга солади. Уй, шифокор, ҳайвонот боғи, фермада, космик станцияда, боғча ёки дўконда рол ўйнашга тарбияланувчиларни унданг.
- ❖ Оғзаки фаолият. Оғзаки интерфаол тадбирлар ижодий онгни илҳомлантириши ва тарбиялаши учун муҳим саналади. Бир вақтнинг ўзида ушбу тадбирлар сўз бойлигини оширади ва болага нутқи ривожланишига ёрдам беради.
- ❖ Бадиий фаолиятни рағбатлантириш. Санъат – бу ижодий ифода, тасаввурни тарбиялайди, санъат болалар учун ҳиссиётлар орқали ишлаш, қарор қабул қилиш ва ўз ғояларини ифода этиш усулидир. Бадиий материаллар билан ишлаш эркинлик туйғусини беради, шунингдек

диққат ва диққатни жамлашга ундайди. Бадиий фаолият, шунингдек, майда моторикани ва кўл-кўзни мувофиқлаштиришни ривожлантиради. Бундан ташқари, бадиий фаолият ўзларига ишончни кучайтиради, чунки болаларда янги бирор бир матн ёки фикр билдирса, ўзини маҳорат кўрсатганини ҳис қилишади.

- ❖ Очиқ ва ўйлантирадиган саволлар беринг. Хаёлий ва ижодий фикрлашни кўзғатадиган саволлар бериш, тарбияланувчига унинг ғоялари муҳимлигини билдирган ҳолда, ўз ғояларини ифода этишга ва ўз қарашлари билан ўртоқлашишга тақлиф қилишнинг самарали усули ҳисобланади. "Агар ... бўлса нима бўлади деб ўйлайсан?" "Ит билан мушукнинг фарқи нимада?" "Бунинг яна қандай усуллари бор?"

Ижодий ўйин болалик ва бола ривожланишининг муҳим қисмидир. Ижодий ва хаёлий ўйин орқали болалар ҳиссий, ижтимоий, интеллектуал ва ҳатто жисмонан ўсиши мумкин. Ижодий тажрибалар болага ушбу кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради ва уларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ғоялари билан бўлишишларига имкон беради. Болаларни ижодий имкониятларга таъсир қилиш уларнинг ривожланишига ҳисса қўшади ва ривожлантиради.

Мазкур қатор таълимий вазифаларни бажариш, амалга оширилган ишларни тизимлаштириш, тарбияланувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича олиб борилган таълимий фаолият самарадорлигини белгилаш мақсадида вариатив дастуримиз доирасида "Болаларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш бўйича КУЗАТУВ ДАФТАРИ" яратдик. Ушбу кузатув дафтари тажриба-синов мобайнида бир қанча мактабгача таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган – тарбиячилар ўз иш жараёнида қўллади ва гуруҳидаги болаларнинг ижодий қобилиятларини эрта аниқлаш бўйича систематик равишда

иш қузатув олиб бориш ва ижодий қобилиятларни мунтазам ривожлантириш бўйича системали таълим-тарбиявий ҳаракат олиб бориш кўникмаларига эга бўлишди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари (АВ томонидан 03.07.2018 й. 3032-сон билан рўйхатга олинган мактабгача таълим вазирининг 18.06.2018 й. 1-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.09.2018 й. ПҚ-3955-сон "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси (ЎзР Президентининг 08.05.2019 й. ПҚ-4312-сон қарорига 1-илова).
4. Мактабгача таълим вазирлигининг 6-сон, Иқтисодиёт вазирлигининг 44-сон, Молия вазирлигининг 57-сон "Мактабгача таълим муассасаларини мебель, ўқув кўргазмали қуроллар, техник-воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги 07.03.2018 й. Қарори (АВ томонидан 17.03.2018 й. 2753-1-сон билан рўйхатга олинган)
5. Erxonova N.A, Ro'ziyeva Z. Tarbiyachi kitobi. Didaktik o'yinlar. DAVR PRESS» Toshkent. 2019 y
6. Erxonova N.A, Ro'ziyeva Z. Tarbiyachi kitobi. Nutq o'stirish. Toshkent «DAVR PRESS».2020
7. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014
8. Бабаева Т.И., Римашевская Л.С. «Как развивать взаимоотношения и сотрудничество дошкольников в детском саду. Игровые ситуации, игры, этюды: учебн-методическое пособие - СПб.: ООО «ИЗДАТЕЛЬСТВО «ДЕТСТВО-ПРЕСС», 2012.
9. Ермолаева М.Г. Игра в образовательном процессе: Методическое пособие. М.Г. Ермолаева. – 2-е изд., доп. – СПб.: СПб АППО, 2015.
10. Р.Ишмухамедов ва б. “Тарбияда инновацион технологиялар”, Тошкент, 2010.

11. Лайкова И.А. Мактабгача таълим ташкилотида визуал фаолият. - М.: "Цветной мир" нашриёти, 2014.
12. Грибовская А.А. Мактабгача ёшдаги болаларга декоратив расм, моделлаштириш, дастурларни ўргатиш. Маъруза матнлари. - М.: "Скрипториум" нашриёти, 2013.
13. Райова Н.В. Умумий нутқи кам ривожланган болаларда тасвирий санъат маҳоратини ривожлантириш усуллари. - М.: Сфера, 2011.
14. Кузнецова С.В., Рудакова Э.Б., Терских Э.А. Боланинг иқтидорини ривожлантириш бўйича ижодий вазифалар комплекси. – Ростов-Дон: "Феникс", 2011.
15. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 китоб).—Т.: ТДПУ, 2010
16. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. Т.: "Сано стандарт" нашриёти, 2015.
17. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.

Турдиева М.Ж.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРИ

Мусахҳиҳ:

М.Рахимов

Саҳифаловчи:

М.Арслонов



Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди:29.10.2021.
Бичими 60x84. Кегли 16 shronli. «Palatino Linotype» гарн.
Офсет босма усулида. Офсет босма қоғозида. Босма табағи 7.
Адади 100 Буюртма № 129



«Шарқ – Бухоро» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳар Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 70/2 уй.

Тел: 0(365) 222-46-46



Турдиева Мохира Жўрақуловна, 1976 йил 20 январь куни Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган.

1992 йилда Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 22-ўрта мактабни тугатган. 1996 йилда Навоий давлат педагогика институти "Педагогика - психология" йуналишини битирган. 1996-2007 йилларда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти хузуридаги ихтисослашган лицей – интернатда психолог лавозимида ишлаган. 2007 йилдан Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги 1 - сон академик лицей ўқув бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган. 2015-2020 йилларда Бухоро муҳандислик - технологиялар институтида ўқитувчи лавозимида ишлаган. 2020 йилдан Бухоро давлат университетида ўқитувчи лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Фаолияти давомида 50дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Жумладан: ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 15дан ортиқ, хорижий журналларда эса 10 дан ортиқ.



ISBN 978-9943-7566-2-5



9 789943 756625